

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

10/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz

Веб-сайт: www-odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 15 октябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табок. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –15. Нашр адади 3980 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
Ифтихор кўчаси, 117-уй

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

И. Муслимов. Янги Ўзбекистон йўли тарихий адолат ва ҳақиқат шохкўчасидан ўтади.....3

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

М. Раджапова. Суд процессида прокурор иштирокининг хусусиятлари.....9

ҲУҚУҚ МОНИТОРИНГИ

Ф. Қутлымуратов. Юридик шахсни қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш.....14

ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

К. Халмухамедов, О. Мамарасулов. Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси тарафлари.....17

Ш. Бегматов, Н. Абдазов. Мулк ижараси шартномаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....20

МУНОСАБАТ

Ж. Иброҳимов. Террорчилик хусусиятига эга кўпоровчиликнинг юридик таҳлили.....28

ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

А. Сагторов. Жиноят ишлари юритувида реабилитация механизмлари: хорижий тажриба.....33

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ш. Эрматова. Умр деганлари ибрат, саодат!.....37

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

М. Содиқов. «Бечора аёл»нинг найранглари.....39

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотеКА ЮРИСТА.....79



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ ТАРИХИЙ АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ШОҲКЎЧАСИДАН ЎТАДИ

Шу йил 25 август куни Олий судда мустабид шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган бир гуруҳ шахсларга оид жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича очиқ суд мажлислари бўлиб ўтди. Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан, жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ва амалиётга изчил татбиқ этилаётган «Янги Ўзбекистон» ғояси негизида, аввало, инсон омили мужассамлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Бу инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва дахлсизлигини муқаддас билиш зарурлигининг амалий ифодасидир.

Бу инсон шаъни, қадр-қиммати ва хотирасини ҳар қандай тажовузлардан кўз қорачиғидек асраш шарт, деганидир.

Шу мақсадда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кейинги беш йил давомида:

- бола меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди;
- дин ва виждон эркинлигига хилоф равишда таъқибга олинган минглаб фуқаролар «қора рўйхат»дан чиқарилди;
- билиб-билмай янглиш йўлга кириб қолгани учун жазо чоралари тайинланган маҳкумларга нисбатан афв институти кенг татбиқ этилди;



Икром МУСЛИМОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

- қамоқхоналарни камайтириш чора-тадбирлари доирасида Жаслик кўрғонидаги мудҳиш ном қозонган қамоқхона ёпилди;

- «Меҳр» операцияси доирасидаги бир нечта амалиёт туфайли қанчадан-қанча аёллар ва болалар оловли ҳудудлардан Ватанимизга қайтариб келинди;

- узоқ йиллардан буён мамлакатимизда яшаса-да, фуқаролиги бўлмаган кўплаб ҳамюртларимиз Ўзбекистон фуқароси бўлди;

- Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг иштироки билан боғлиқ тарихий далил ва рақамлар қайта ўрганилганда, урушда қатнашган, жасорат кўрсатгани учун мукофотланган, жанггоҳларда ҳалок бўлган, яраланган, асир

олинган ва бедарак кетган юртдошларимиз сони илгари биз билганимиздан кўра анча кўп экани аниқланди. Халқимизнинг жасорати ва матонати шарафига пойтахтимизда «Ғалаба боғи» бунёд этилди.

Мана, энди бу борада яна бир муҳим натижага эришилди: собиқ шўро тузуми миллий ўзлигини англагани ва англашга интилгани учун қатағонга дучор этган 115 нафар ҳамюртимиз вафотидан сўнг, орадан қарийб 90-100 йил ўтиб оқланди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва холис судлов ҳайъати уларнинг барчасини айбсиз деб топди.

Янги Ўзбекистон ғояси ва аждодларимиз орзу-армонлари

Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобларида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек стратегик мақсад ва буюк вазифалар, уларнинг ижроси доирасида амалга оширилган улуғвор ишлар сарҳисоб қилинган. Энг муҳими, интервьюда Янги Ўзбекистон меъмори томонидан айнан «Янги Ўзбекистон» ғоясининг маъно-мазмунини ва аҳамиятини чуқур очиб берилган.

Президентимиз, авваламбор, «янги» деган сўзнинг халқимиз учун алоҳида аҳамияти борлигига эътиборни қаратди. Масалан, XX асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз «жадидчилик», яъни янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққан.

Аслида бу улуғ зотларнинг мақсади жаҳолат ва қоқоқлик гирдобидан қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўли-

га, яъни янги тараққиёт манзилига олиб чиқишдан иборат бўлган.

Жадид боболаримиз ташкил этган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиб, миллий озодлик ҳаракати учун бекиёс куч берган.

Аммо, юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгач, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилди. Бу эса, маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади.

Шукрки, ўша аждодларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қони, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамокда. Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган «Янги Ўзбекистон» ғояси замирида ана шундай улуғ аждодларимизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам ўз мужассамини топган.

Шу маънода Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига 20 йил тўлди

Мустақилликнинг ўтган даврида ушбу йўналишда бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда 2001 йилдан буён ҳар йили 31 август «Қатағон

қурбонларини ёд этиш куни» сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, шунингдек Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилган.

Кейинги йилларда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида қатағон қурбонларининг номлари қайд этиладиган рамзий китоб яратилди. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг, шунингдек «Шаҳидлар хотираси» жамоат фондининг моддий-техник базаси мустақамланиб, фонднинг ҳомийлар гуруҳи таркиби янгиланди.

Юртимизда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган мухташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди. Уларнинг номи билан боғлиқ ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилган.

Қолаверса, сиёсий қатағон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, бутун дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам бор гап.

Бугунги кунда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимиз

номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки, аини мавзудаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ҳамда машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқур англашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигидан сабоқ беради.

Булар, ўз навбатида, халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини оширишни тақозо этади.

Қатағон қурбонлари номларини тиклаш йўлидаги янги қадам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Фармойишга мувофиқ, қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳнинг таркиби тасдиқланиб, асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ишчи гуруҳга қатағон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот му-

ассасаларининг юқори малакали мутахассислари, экспертлар, шунингдек хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз вакиллари жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Президентимиз Фармойиши билан қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Ушбу «Йўл харитаси»да 5 та йўналишда 32 та аниқ вазифа белгиланган. Бу борада давлат ҳокимияти идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ана шундай тизимли ишларни изчил амалга ошираётган бир пайтда Олий суд томонидан ҳам қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича бир қатор муҳим натижаларга эришилгани эътирофга сазовор.

Олий суднинг ибратли ишлари

Авваламбор, қатағон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар кўламини кенгайтириш учун масъулларга Олий суд архивидаги мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиши учун шароит яратилди. Қолаверса, бу борадаги тегишли ҳужжатларни ўрганиш зарурияти туғилган тақдирда мутахассислар ишлаши учун Олий суд идоравий архивида алоҳида хона ташкил этилди.

Энг муҳими, «Йўл харитаси»да Республика ишчи гуруҳи, Олий суд ҳамда мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифа ижроси доирасида ўтган қисқа даврда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, қатағон қурбонлари ре-

билитацияси бўйича масала ўрганилиб, бу борадаги таклифлар Республика ишчи гуруҳига кўриб чиқиш учун юборилди.

Иккинчидан, Олий суд ва қуйи судлар томонидан ҳудудлардаги барча архивларда қатағон қурбонларига оид ишлар инвентаризация қилиниб, оқланган 1 минг 868 нафар шахснинг рўйхатлари вилоятлар кесимида шакллантирилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақдим этилди.

Учинчидан, Олий суд раисининг шу йил 9 февралдаги Фармойишига биноан, муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

Тўртинчидан, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи аъзоси Б. Ҳасанов томонидан мустабид шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахсларнинг рўйхати тақдим қилинган бўлиб, мазкур шахслардан етти нафарига нисбатан жиноят ишлари Давлат хавфсизлик хизматининг архивида сақланаётгани аниқланди ҳамда жиноят ишлари чақиртириб олинди.

Бешинчидан, Олий судга 120 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, Олий судда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан 18 жилддан иборат ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилмоқда.

Мазкур жиноят ишлари ҳужжатларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари, яъни ҳукм ёки бошқача қарор мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси – собиқ СССР давлат хавфсизлиги махсус органи) учлик мажлиси баённомасидан кўчирма мавжудлиги аниқланган.

Бундан ташқари, Олий суд томонидан вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларда ишчи гуруҳлар ташкил этилиб,

суд идоравий архивида мавжуд бўлган ҳужжатлардаги сиёсий қатағонлар (пахта иши) даврида судланиб, оқланмаган шахсларга оид жиноят ишлари ўрганиб чиқилган. Иш бўйича айби етарли далиллар билан тасдиқланмаган ҳамда оқланиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати Олий судга тақдим қилинган.

Бугунги кунга қадар вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлардаги ишчи гуруҳлар томонидан жиноят ишлари ўрганилиб, Олий судга мавжуд иш ҳужжатларида айби тўлиқ тасдиқланмаган ҳамда реабилитация этилиши лозим бўлган 151 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари бўйича хулосалар тақдим этилган.

Оқланган марҳумлар: улар ким бўлган?

Албатта, узоқ йиллар архивлар тубида чанг босиб ётган ва бугун биз кетма-кет рақамлар орқали ифодалаётган иш ҳужжатларининг сарғайган саҳифаларида қисматлари битилган юртдошларимиз ўзи ким бўлган ва уларнинг айб-гуноҳлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Шунинг учун мустабид шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва шу вақтгача оқланмаган, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарварлик сиёсати туфайли бу борадаги адолати ва ҳақиқати тикланган юртдошларимиздан айримларининг аччиқ қисмати ҳақида мисоллар келтирамиз.

Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев – Туркистон тараққийпарвар уламоларининг сардори, Туркистон Мухторияти ҳукуматида маориф нозири. Носирхон Тўра ХХ аср бошларида Россияда бўлиб ўтган февраль ва октябрь революциялари даврида Наманган шаҳар думасида фаолият юритган. Наманган диний бошқармаси раиси бўлиб ишлаган. ОГПУнинг қарорига кўра, у 1925 йилдан 1928 йилга қадар

қамокда сақланган. 1930 йил 16 июлда 56 ёшида яна қамокқа олинган.

Иш ҳужжатларида ёзилишича, Носирхон Тўра 1929 йил ўрталарида фаолият юритган «босмачилик» гуруҳларини ривожлантириш мақсадида фаол аксилинқилобий ҳаракатларни амалга оширган. Хусусан, у 1929 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида Фарғона вилоятидаги «босмачилик» гуруҳларининг ҳаракатларига раҳбарлик қилиб, Косон шаҳридаги совет жамоат ташкилотларига нисбатан таҳдид ўтказган ва бунинг натижасида ушбу жамоат ташкилотлари янчиб ташланган.

Қадрли ўқувчи, бу ва кейинги ўринларда «босмачилик» сўзини нима сабабдан қўштирноқ ичида ёзишимизни мухтасар изоҳлаймиз. Гап шундаки, босмачилик – Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши курашган кулролли ҳаракатга шўро ҳукумати даврида берилган расмий ном.

Бинобарин, «босмачи» ва «босмачилик» иборалари 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал вақтли матбуот, сўнгра расмий ҳужжатларда кенг ишлатилган. Ушбу иборалар миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши қаршилиқ курашларини ниқоблаш учун ўйлаб топилган ҳамда «бандитлик», «қароқчилик» деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилган.

Энди Носирхон Тўрага нисбатан айбловлар тафсилотига қайтамиз. Шу тариқа «босмачилар» раҳнамоси ва раҳбари бўлиши Носирхон Тўра билан яқин алоқада бўлиб, унинг аксилинқилобий жиноятига оид топшириқларини бажариб келганликда, жумладан, озик-овқат ва кийим-кечаклар етказиб берилганликда ҳамда 1929-1930 йилларда мустабид тузумни ағдариш мақсадида «босмачилик» тайёргарликла-

рида ўзаро ҳамкорлик қилишда айбланиб, 96 нафар юртдошимиз қамоққа олинган.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган ана шу шахсларнинг барчаси ҳибсга олингач, дастлаб айбловни инкор қилиб келган бўлса-да, сўнг тазйиқлар остида айбларига иқрорлик билдириб кўрсатма берган. Уларнинг ўртасида юзлаштириш ўтказилмасдан, фақат берган кўрсатмалари ишга тикилган.

Шу асосда «Носирхон тўра иши» бўйича қатағон қилинганларнинг 28 нафари 1930 йил 30 январда Тошкентда отиб ташланган. Бошқа айбланувчилар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган.

Иброҳимбек Чакабаев – Иброҳимбек кўрбоши. Иш ҳужжатларига кўра, Иброҳимбек кўрбоши 1921 йилда Бухоро амири чақируви билан «босмачилар» тўдасига аъзо бўлиб, шўро тузумига қарши курашувчи йирик куролли тўдага раҳбарлик қилган.

Иброҳимбек кўрбоши 1931 йил апрелида қақшатқич жангда мағлуб бўлган. Сўнг Кофирниҳон дарёси орқали Афғонистонга ўтиб кетмокчи бўлганида йигитлари билан бирга қўлга олинган.

Шундан кейин 1932 йил 13 апрелда Иброҳимбек кўрбоши ва 16 нафар йигитига оид жиноят иши ОГПУ томонидан кўриб чиқилиб, уларни отиб ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Иброҳимбек кўрбоши 1932 йил 31 августда, унинг йигитлари эса, ўша йилнинг 10 сентябрида отиб ташланган.

Латиф Даминов – Самарқанд вилояти Митан туманидаги «Сталин йўлидан» газетасининг муҳаррири. Айблов хулосасига кўра, 1936 йилда Латиф Даминов газета муҳаррири эканидан фойдаланиб, совет тузумини ағдариш, Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришиш, Япония ва Германия давлатлари СССРга қарши уруш эълон қилиши ҳамда СССР бу урушда

ютқазishi ҳақида аҳоли ўртасида ваҳимали гапларни тарқатиб, Совет Иттифоқига қарши тарғибот олиб борган.

Латиф Даминов сўроқ ва қўшимча сўроқ пайтида ҳам айбига иқрор бўлмаган. У ҳеч қандай ноқонуний ташкилотларга аъзо бўлмаганини, Митан туманида аксилинқилобий ташкилот борлигидан бехабарлигини билдирган.

Шунга қарамай, СССР Олий суди ҳарбий хайъати сайёр судининг 1938 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, Латиф Даминов Жиноят кодексида назарда тутилган энг оғир жазо – отишга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган. 1938 йил 15 октябрдаги маълумотномага қараганда, Латиф Даминовни отиш ҳақидаги ҳукм ижроси ўша куниёқ амалга оширилган.

Биз бу ўринда Республика Бош прокурори ўринбосари томонидан тегишли тартибда жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига киритилган протест асосида Олий суд томонидан куни кеча оқланган 115 нафар марҳум юртдошимизнинг фақат уч нафарининг қай тарзда қатағон қурбонига айлангани ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекландик.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш жозик, жиноят ишларида суд ҳукми ёки баённомаси мавжуд эмас. Бу ишлар бўйича фақат ОГПУ учлиги томонидан айби судда исботланмаган инсонларга нисбатан чиқарилган бешафқат қарорлар сўзсиз ижро этилган, холос.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқимизнинг миллий ўзликни англаш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган қутлуғ қадамлари муқаррам инсон зотига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, унинг хотирасига нисбатан адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу амаллар билан узвий боғлиқ бўлиб, келгусида халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

СУД ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сонли Қарори, 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли фармонлари талабларига асосан суд-ҳуқуқ ислохотларини янада кенгайтириш ҳамда прокурорнинг суддаги роли борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Айнан шу вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги «Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қў-

шимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-664-сонли ҳамда 2021 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодекслари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-675-сонли қонунлари билан амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)га прокурорнинг суддаги иштирокига тааллуқли жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят суд процессидаги прокурорнинг вазифалари бевосита ЖПКнинг мақсад ва принциплари билан боғлиқ бўлиб, жиноят ишларини юритишнинг процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини кафолатли ҳимоялашга қаратилган.

ЖПКнинг 33-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

ЖПКнинг прокурор ваколатлари деб номланган 34-моддасида прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидаги ваколатларини назарда тутувчи бир қатор нормаларга ҳаволалар берилган.

Ушбу нормада, шунингдек прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокига оид ваколатлари ҳавола тарзида ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилганлиги қайд этиб ўтилган.

Прокурор ЖПКнинг 409-моддасида белгиланган ваколатларни амалга ошириш, чунончи, судланувчининг жиноят содир этганлигини фош этиш, суд тергови жараёнида унинг айбини исботлаш, далилларга ва судланувчининг ҳаракатларига қонун талаблари ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериш, судланувчига нисбатан му-

айян жазо чорасини қўллаш тўғрисида ўз фикрини баён қилиш орқали давлат айбловини қувватлаш функциясини амалга оширади.

Суд жараёнида иштирок этаётган прокурор зиммасига кенг қамровли вазифалар юклатилганлиги сабабли илмий манбаларда прокурорнинг жиноят суд процессидаги роли ва иштироқи хусусида турли фикрлар мавжуд.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят суд процессида прокурор иштирокининг хусусиятлари борасида бир қатор олимларнинг илмий қарашлари келтирилиб, улар амалдаги қонунчилик талаблари асосида таҳлил этилган, прокурорнинг биринчи ва юқори суд инстанцияларидаги функциялари ва ваколатларининг айрим жиҳатлари, биринчи инстанция ва юқори суд босқичларида ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, суд процессида прокурор зиммасига юклатилган вазифалар ва уларнинг моҳияти хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: жиноят суд ишини юритиш босқичлари, жиноят суд ишини юритиш иштирокчилари, процессуал мақом, процессуал функциялар, прокурор ваколатлари, тарафлар музокараси, прокурор нутқи, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси.

* * *

В статье приведены научные взгляды ряда учёных об особенностях участия прокурора в уголовном судебном процессе, проведен их анализ в соответствии с требованиями действующего законодательства, изложены суждения относительно отдельных сторон функций и полномочий прокурора в суде первой инстанции и в вышестоящих судах, особенностей участия прокурора в различных стадиях судебного процесса, возложенных на него задач и их сущности.

Ключевые слова: стадии уголовного судопроизводства, участники уголовного судопроизводства, процессуальное положение, процессуальные функции, полномочия прокурора, прения сторон, речь прокурора, апелляционная инстанция, кассационная инстанция.

* * *

The article provides viewpoints regarding the requirements of the current legislation on the participation of the prosecutor in criminal proceedings, certain aspects of the functions and powers of the prosecutor in the court of first instance and in higher courts, the peculiarities of the participation of the prosecutor in various stages of the trial, the tasks and the essence of the tasks assigned to them. The article, by means of analysis, highlights the conclusions of individual scientific works on the study of the place and role of the prosecutor in the criminal trial, their functions and powers; as well as the opinions on the procedural position of the prosecutor both in the court of first instance and in higher courts.

Key words: stages of criminal proceedings, participants in criminal proceedings, procedural position, procedural functions, powers of the prosecutor, discussion of the parties, speech of the prosecutor, appellate instance, cassation instance

Прокурорнинг суддаги ўрни ва роли ҳақида Л.П.Чумакова таҳрири остида чоп этилган «Юридик фаннинг замонавий муаммолари» тўпламининг ўнинчи нашрида¹ қайд этилишича, жиноят суд ишини юритиш жараёни бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг орасида суд муҳокамаси босқичи жиноят процессининг марказий, якуний аҳамиятга эга босқичи ҳисобланади. Жиноят суд ишини юритиш жараёнининг бошқа босқичлари ёки суд муҳокамасига тайёргарлик босқичларидир.

Л.П.Чумакованинг фикрича, умумий процессуал фаолият бўлган жиноят суд иши юритишнинг турли босқичлари аҳамияти талқинидан келиб чиқиладиган бўлса, прокурорнинг бирламчи вазифаси судда малакали давлат айбловини таъминлаш бўлиб, бошқа барча босқичлар ушбу вазифага эришишга хизмат қилиши керак.

Бошқа бир қатор процессуалист олимлар, чунончи, С.Н.Алексеев, В.А.Лазаревалар ҳам шундай фикр тарафдорларидир².

Айрим олимлар прокурор судда фақат тараф бўлиб ҳисобланиши ва ҳеч қандай назорат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга эмаслиги ҳақидаги ғояни илгари сурадилар.

М.С.Строгович прокурорнинг жиноят суд процессидаги функциялари ва ваколатларига тавсиф берар экан, судда давлат айбловчиси сифатида майдонга чиқадиган прокурор тараф ва фақат тараф ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, суд процессида ўзига қарама-қарши тенг ҳуқуқли ҳимоя тарафи билан мунозарага кирази, деб таъкидлайди³.

В.И.Басковнинг фикрича, прокурорнинг процессуал мақоми жиноят процессининг ҳар қандай босқичида қонунийлик кафолати сифатида ўзгаришсиз қолади. Биринчи инстанция судида давлат айбло-

вини қувватлаш жараёнида ҳам, апелляция, кассация ва назорат суд инстанцияларида ҳам прокурор қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи орган вакили бўлиб қолаверади⁴.

В. И. Басков судда прокурор назоратининг предмети нафақат суд қарорларининг қонунийлигини, балки суд таркиби ва суд муҳокамасининг барча иштирокчилари томонидан моддий ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади, деб қайд этади⁵.

Э. Н. Примова, Н. Н. Примовларнинг фикрига кўра, прокурорни жиноий суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири сифатида белгилаш унинг жиноят суд процессидаги роли ва мақомини торайтиришга олиб келади ва «Россия Федерациясининг прокуратура тўғрисида»ги Федерал Қонунига асосан ҳар бир алоҳида прокурорга ва умуман прокуратура органларига берилган қонунни, ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияларига мутлақо зиддир⁶.

Б. А. Тугутов, Д. И. Прушинский ўзининг «Жиноят судида прокурор ваколатларининг классификацияси» номли ишида Д.С.Карев, М.Ю.Рагинский каби олимларнинг прокурор жиноят суд процессида назорат органи бўлиб ҳисобланган прокуратура тизимининг вакили, деган фикрларини келтиради⁷.

Б. А. Тугутов, Д. И. Прушинский яна бир гуруҳ олимларнинг, жумладан, Н. Н. Полянский, Р. Д. Рахуновларнинг прокурор судда қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш ва давлат айбловини қувватлаш каби икки хил процессуал функцияларни амалга оширади, деган фикрлари хусусида тўхталиб, улар билан мунозарага киришган ҳолда прокурор суд процессида уч хил функцияни бажаради деб кўрсатадилар. Чунончи, давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни тиклаш, қонунларга

риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш⁸.

С. В. Новожиловнинг таъкидлашича, суд жараёнида иштирок этаётган прокурорнинг асосий функцияларидан бири, қонунийликни таъминлаш бўлиб, Конституцияга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат⁹.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган олимларнинг нуқтаи назарлари чуқур ўрганишни талаб қилади.

Б. А. Тугутов, Д. И. Прушинскийлар алоҳида қайд этиб кўрсатган прокурорнинг суд процессидаги уч хил функцияси, яъни давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни тиклаш, қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳақидаги қарашлари мунозара талаб қилади. Негаки, давлат айбловини қувватлаш ва қонунийликни тиклаш тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, прокурор томонидан давлат айбловини қувватлаш функцияси қонунийлик принципига риоя этилган ҳолда амалга оширилишини назарда тутди (ЖПКнинг 11-моддаси).

Б. А. Тугутов ва Д. И. Прушинскийларнинг прокурор суд жараёнида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, деб келтирган фикрлари ҳам мунозарали. Фикримизча, назоратни амалга ошириш функцияси таъсир чораси қўллаш ваколати билан бевосита боғлиқ бўлиб, прокурорнинг суд жараёнидаги ваколатларини амалга оширилаётган назорат натижасида қўлланиладиган таъсир чоралари қаторига киритиш мумкинми, деган ўринли савол туғилади.

Суд жараёнида давлат айбловини қувватлаётган прокурор назорат функциясини амалга оширади, деган фикр тарафдори бўлган В.И.Басков, Б.В.Коробейниковлар жиноят суд процессларида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф

этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига прокурорнинг аризалари, илтимосномалари, протест ва тақдимномаларини прокурор таъсир чоралари сифатида киритадилар¹⁰.

ЖПК 25-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланидалар¹¹.

Суд процессида қонун бузилиши ҳолатларини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлаган прокурор эътироз билдириш орқали судга ўз муносабатини кўрсатади. Ариза, илтимоснома, протест (эътироз) мана шу муносабатнинг кўри-нишлари ҳисобланади ва бундай ҳуқуқ суд процессининг бошқа иштирокчиларига ҳам бирдек тегишли.

Шу билан бирга, суд процессидаги прокурорнинг процессуал мақоми суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомидан бир мунча фарқ қилади.

Давлат айбловчисининг жиноят суд процессидаги роли шундан иборатки, у давлат номидан ҳаракат қилади. Бу эса, унинг вазифалари айнан бир шахсни ҳимоя қиладиган адвокат вазифаларидан анча кенг эканлигини англатади.

Агарда, судланувчи, жабрланувчи, уларнинг вакиллари ҳамда ҳимоя тарафи суд жараёнида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича муносабат билдиришлари мумкин бўлиб, бу уларнинг

мажбуриятига киритилмаган бўлса, яъни улар бундай муносабатни билдиришлари ҳам, билдирмасликлари ҳам мумкин бўлса, давлат номидан суд процессида иштирок этаётган, давлат вакили бўлган прокурор йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича муносабат билдириши унинг мажбуриятидир.

Бундай мажбурият бевосита прокурор атамасининг мазмуни, унинг луғавий маъноси билан ҳам узвий боғлиқ.

Энциклопедия маълумотларига кўра, прокурор лотинча *procurare* – «бошқариш», «ғамхўрлик қилиш», «айблов вакили» деган маъноларни англатади. Айблов, бу жиноят иши бўйича суд жараёнида жиноят содир этишда айбланаётган шахсга қарши унинг айбдорлигини илгари сурадиган ва асослаб берадиган суд процессининг тарафидир¹².

Ўзининг суд процессидаги иштироки билан прокурор жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар,

судланувчи ва суд процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини олдини олиш чораларини кўради.

ЖКнинг 18-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш қондаси мустаҳкамланган.

Ушбу нормага мувофиқ жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Суд процессида иштирок этаётган прокурор эса, қонуннинг ушбу талаби бузилган тақдирда бу қонун бузилишини бартараф қилиш хусусида муносабат билдириши лозим бўлади.

М. РАДЖАПОВА,
Бош прокуратура Академиясининг
«Судларда прокурор
ваколатини таъминлаш»
кафедраси бошлиғи

¹ Илмий мақолалар тўплами/ Л.П.Чумакова, Новосибирск, 2011.–125-133.

² Алексеев С.Н., Лазарева В.А. Жиноят процесси фанида прокурорнинг дастлабки тергов босқичидаги процессуал мақоми// Ҳуқуқ ва сиёсат.–2001.–№8.–68.

³ М.С.Строгович Курс советского уголовного процесса. Издательство Наука. Москва 1970 г. Стр.223

⁴ В.И.Басков Курс прокурорского надзора.М.,Издательство «Зерцало», 2000. Стр.208

⁵ Ўша ерда 205-б.

⁶ Э.Н.Примова, Н.Н.Примов. Прокурор: правозащитник или государственный обвинитель.//Евразийский Союз Учёных, 2016 №30-5, стр.71-76

⁷ <https://cyberleninka.ru> Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский Классификация полномочий прокурора в уголовном суде.

⁸ Ўша ерда

⁹ С.В.Новожилов Проблемные вопросы участия прокурора в судебных стадиях уголовного процесса

¹⁰ 24 В.И.Басков, Б.В.Коробейников Курс прокурорского надзора, М., Издательство «Зерцало», 2000г.

¹¹ Lex.uz/docs Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси

¹² <https://uz.sputniknews.ru/society/20181206/10178478/Uzbekistan-priglasili-v-Mezhdunarodnuyu-assotsiatsiyu-prokurorov.html>

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган ҳар қандай юридик факт тегишли талабларга жавоб бериши лозим. Яъни, юридик фактнинг қонунийлиги, уни амалга ошираётган субъектларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт. Юридик факт, хусусан, битимларнинг ҳақиқий саналиш шартлари хусусида таниқли олим И. Зокиров қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: битимларнинг мазмуни қонунчилик ҳужжатлари ва умуминсоний қоидаларга зид бўлмаслиги; уни тузаётган шахсларнинг муомала лаёқати мавжудлиги; муайян юридик оқибат туғдириш учун тузилганлиги; тегишли гувоҳлантириш ва рўйхатдан ўтказишга нисбатан талабларга риоя қилинганлиги¹. Битимларнинг қонунийлиги масаласига баҳо берар экан, академик Ҳ. Раҳмонкулов битим қонунга мос, қонунга риоя қилинган ҳаракатлар сифатида тан олиншини, қонунга мос келиши унинг муҳим белгиси эканлигини, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий битим қонунга риоя қилинган ҳаракатлар сифатида фараз қилиншини ва бундай талабларга жавоб бермайдиган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланишини таъкидлайди². Ҳуқуқшунос олим Н. Жамалов юридик фактларнинг илмий-назарий масалаларини тадқиқ қилар экан, юридик фактнинг нуқсонига эътибор қаратиб, юридик фактнинг нуқсони (дефекти) деганда, ҳуқуқ нормаси талабларига мос келмайдиган, бироқ тақиқланмаган юридик фактнинг бирор-бир белгиси, хусусияти, тавсифи тушунилади³, деган хулосага келади.

Юридик фактларнинг, жумладан, битимларнинг ҳақиқийлиги масаласи бевосита юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши масаласи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, юридик шахсларни қайта ташкил

этиш тўғрисидаги қарор ҳам юридик фактлар, жумладан, битимларнинг ҳақиқийлигига оид шартлар билан бирга, бевосита қайта ташкил этиш жараёнлари ва таомиллари билан боғлиқ тартиботларга риоя этиш шартларига ҳам жавоб берганида ҳақиқий ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда қайта ташкил этишнинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслигига оид қоидалар, талаблар, шартлар ва мезонлар назарда тутилмаган. Қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш борасида масала юзага келганида эса, бу Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгиланган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид умумий қоидалар ҳамда битимларнинг ҳақиқий эмаслигига оид қоидалар билан ҳал этилиши мумкин. Бироқ, бундай умумийлик бевосита юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос вазифасини ўтамайди. Мазкур муаммонинг ечимини топиш эса, ўз навбатида, хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратиш заруратини кўрсатади.

Хорижий мамлакатлар ҳуқуқи қайта ташкил этиш жараёнларини тугаши масаласида қатъий позицияни эгаллайди. Қайта ташкил этиш таомили суд орқали қайта ташкил этишга қарши эътироз билдираётган кредиторларнинг талаблари кўриб чиқилиб, қаноатлантирилмагунича тугалланиши мумкин эмас. Яъни, қайта ташкил этиш рўйхатдан ўтказилгунига қадар кредиторлар билан боғлиқ барча низолар ҳал қилиниши лозим. Кредиторлар тўғридан-тўғри қайта ташкил этишни (қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни) ҳақиқий эмас топиш талабини билдиришга ҳақли эмас. Улар ҳуқуқларини ўзларига тақдим этилган мажбуриятни бажаришни (айрим мамлакатларда эса мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни) таъминлаш шакли доирасида ва қайта ташкил этилган ва янгидан ташкил

этилган компанияларни солидар жавобгарликка тортиш асосида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин. Хорижий мамлакатлар ҳуқуқи бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторларни хабардор қилмаслик истисно этилади, чунки қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни эълон қилиш ёки кредиторларни ёзма хабардор қилиш рўйхатдан ўтказувчи орган (суд, савдо палатаси) томонидан амалга оширилади. Қайта ташкил этишга қарши эътироз билдираётган кредиторлар ўз талабларини компанияга эмас, бевосита судга қаратишлари лозим. Бу ҳолатда суд қайта ташкил этилаётган компания кредиторларига нисбатан хавф мавжуд бўлса уни баҳолайди ва қафолатлар тақдим этиш ёки мажбуриятни муддатидан илгари бажаришнинг зарурати тўғрисида қарор қабул қилади. Агар суд рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобланмаса ҳам, у кредиторлар билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун қайта ташкил этиш жараёнига жалб этилади.

Суд тартибда низолашиш қайта ташкил этишни мустақил баҳолаш ва компания раҳбариятини жавобгарликка тортиш имконияти билан бирга қайта ташкил этилаётган компания акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ҳисобланади.

Масалан, Германиянинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қонунчилиги қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш билан бирга акциядорларга қайта ташкил этиш жараёнида сотиб олинаётган акциялар қиймати, шунингдек акциялар айирбошланиши нисбати юзасидан низолашиш ҳуқуқини беради.

Қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг ҳақиқий эмаслиги масаласи Германия қонунчилигида тўлиқ ҳал этилган. Германиянинг «Акциядорлик тўғрисида»ги Қонуни ак-

циядорлар умумий йиғилишининг ҳар қандай қарорини, шу жумладан, қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмаслигининг умумий принципларини ифодалайди. Мазкур Қонунда қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг ҳақиқийлиги ва унинг суд тартибда низолашилиши мумкинлиги тўғрисидаги масалага тааллуқли махсус нормалар билан бирга, қайта ташкил этишнинг турли шакллари бағишланган «Суд иш юритиши» номли 6-боб ҳам мавжуд ва унда суд иш юритиши (судловлилик, даъво муддати, суд қарорларининг кучга кириши)нинг умумий масалалари ҳам жамланган.

Қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масала билан айрим хорижий мамлакатлар ҳуқуқида назарда тутилган акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини тузатиш институти узвий боғлиқдир. Германиянинг «Акциядорлик тўғрисида»ги Қонунининг 242-параграфида белгиланган умумий қоидага кўра, лозим даражада расмийлаштирилмаган умумий йиғилиш қарорининг ҳақиқий эмаслиги, агар қарор савдо реестрида рўйхатга олинган бўлса баргараф этилади. Ушбу қоида Қонун 20-параграфининг 4-бандида ҳам такрорланади. Мазкур нормага биноан кўшиб олиш тўғрисидаги шартномани нотариал тасдиқлашдаги, шунингдек кўшиб олишни акциядорларнинг алоҳида тоифаси маъқулламаслиги билан боғлиқ камчиликлар кўшиб олишни рўйхатдан ўтказиш билан баргараф этилади.

Англия ҳуқуқида қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш масаласи мавжуд эмас, чунки ҳар қандай қайта ташкил этишда якуний қарорни суд қабул қилади. Қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари Англия акциядорлик қонунчилигида амалда истисно қилинган⁴.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юридик шахсларни қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, тартиби ва қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: юридик шахс, қайта ташкил этиш, ҳақиқий эмаслик, битим, йиғилиш қарори, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, акциядорларнинг умумий йиғилиши, жавобгарлик, зарарни қоплаш.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қонунчилиги акциядорлар ва кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд ва маъмурий органларнинг ролини, айниқса, қайта ташкил этишни яқунлаш босқичидаги ролини кучайтаришга қаратилган бир қатор қондалар билан тўлдирилди, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш йўли орқали қайта ишланди. Германия эса, қайта ташкил этишни тартибга солиш манбаларини тубдан ўзгартириш йўли билан бу соҳадаги замонавий ғоялар ўз ифодасини топган қонунни қабул қилди.

Қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларига бағишланган махсус нормалар Ўзбекистон қонунчилигида ҳозирча ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, миллий қонунчиликда юридик шахсларнинг йиғилиш қарорларининг тушунчаси, ҳуқуқий табиати, мазмуни, уларни расмийлаштириш тартиби ва асослари каби масалалар ҳам белгиланмаган. Мазкур масалани таҳлил қилар экан, Н. Имомов ва Қ. Меҳмонов Фуқаролик кодексига йиғилиш қарорларига оид алоҳида боб киритишни таклиф қилишади ва ўз таклифларининг асоси сифатида Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 9.1-бобини келтириб ўтишади⁵.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, юридик шахсларни қайта ташкил этиш масаласида ўтказилган акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамиятни иштирокчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилиши қарорининг тушунчаси ва мазмуни, унинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишга оид қондалар махсус қонунларда ҳам ўз аксини то-

пиши лозим деб ўйлаймиз. Фикримизча, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 113-моддасига «Йиғилиш қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатларини қўллаш» қондасини киритиш зарур.

Юридик шахсларни қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топиш, аввало, бу ҳақдаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш билан амалга оширилади. Бунинг учун эса, фуқаролик қонунчилигида мазкур масалаларнинг ҳуқуқий асослари белгиланиши, қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартибига оид қондалар ўз ифодасини топиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик кодексининг 522-моддаси сифатида «Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари» номли моддани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади:

«Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қайта ташкил этиш тугаллангунга қадар ҳақиқий эмас деб топилган ва қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган юридик шахсларнинг бир қисми давлат рўйхатидан ўтказиб бўлинган ҳолларда, ҳуқуқий ворислик фақат рўйхатдан ўтказиб бўлинган юридик шахсларга нисбатан вужудга келади, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қолган қисми эса аввалги юридик шахсларда сақланиб қолади».

Ф. ҚУТЛИМУРАТОВ,
Қорақалпоқ давлат
университети доценти,
юридик фанлар номзоди

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. I-қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 318-б.

2. Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ. 2009. – 18-б.

3. Жамалов Н.К. Фуқаролик ҳуқуқида юридик фактларнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент: 2012. – 11-б.

4. Бакулина Е.В. Совершенствование правового регулирования реорганизации хозяйственной обществ [Электронный ресурс]: Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03. –М.: РГБ, 20 0 5 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки). –С. 87.

5. Имомов Н.Ф., Меҳмонов Қ.М. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм, I Бўлим (1–163-моддалар), (ахборот-таҳлилий материал). – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 70-б.

ҚУРИЛИШДА УЛУШБАЙ ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида шерикчилик асосида фаолият юритишнинг янги турларидан бўлган қурилишда улушбай иштирок этиш жуда тез ривожланиб бормоқда. Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси жамиятимизда ривожланаётган кўчмас мулк соҳасидаги айрим муносабатларни тартибга солишда жуда муҳим ўринни эгаллайди.

Хусусан, қурилишда иштирок этиш шартномаси улушдорлик асосида кўчмас мулк объектларининг қурилишида иштирок этаётган шахсларнинг фаолияти натижасини қўлга киритиш, кўчмас мулк объектларини қуриш, қабул қилиш ва топширишга қадар бўлган жараёнда улушдор, қурувчи ва учинчи шахслар ўртасида вужудга келувчи муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган шартнома турларидандир.

«Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандида қайд этилишича, улуш киритиш асосида қуриш кўп квартирали уйларни қурувчилар ва улушдорларнинг маблағлари ҳисобидан қуриш, реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштиришдир.

Мазкур таъриф кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш доирасидагина берилган бўлиб, умумий қурилишда улушбай иштирок этиш тushунчасини тўлиқ очиб бера олмайди. Яъни, қурилишда улушбай иштирок этиш нафақат кўп квартирали уйларни, балки бошқа объектларни қуришда ҳам учраши мумкин. Мисол учун, икки юридик шахснинг иштирокида тадбиркор-

лик билан шуғулланиш учун нотураржой бўлган иморатнинг қурилишида вужудга келадиган муносабатлар қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси орқали ҳам тартибга солинади. Хусусан, тарафлар якка қават ва кўп хонадан иборат бино қуриб, ундан ҳамкорликда фойдаланишлари мумкин. Бундай ҳолларда, шартнома тўғридан-тўғри «Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида низом» нормалари билан тартибга солинмайди ва бу шартномаларни Низомда белгилангани каби рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

Қайд этилган Низомга кўра, улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш бўйича қурувчи ва улушдор ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳисобга қўйилган ёзма шаклдаги битимдир.

Улушдор қурилиш мажмуасида бир ёки бир нечта қурилиш объектини мулк ҳуқуқи билан олиш мақсадида улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахсдир.

Мазкур Низом нормасига кўра, юридик шахс ҳам қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг тарафи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

қарорига кўра, суд орқали ҳимоя қилиш деганда, судларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини тиклашга қаратилган, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолияти тушунилади.

Суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини биринчи инстанция судида иш кўзғатиш учун қонунда назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириш мумкин. Ушбу шартларга риоя этмаслик суд томонидан мурожаатларни қабул қилиш ва кўришни рад этиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят-процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига мувофиқ, судга мурожаат қилиш:

- фуқаролик, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича – даъво аризаси, ариза (шикоят) шаклида;

- буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, алоҳида тоифадаги ишлар ва процессуал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда – ариза шаклида;

- апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда – шикоят шаклида амалга оширилади.

Иқтисодий процессуал кодекси 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур Кодекснинг 25-моддасига кўра, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркор-

лик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар ҳам тааллуқлидир.

Демак, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг тарафлари юридик шахслар бўлса, улар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқирилиши мумкин. Яъни, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси тарафлари юридик шахс бўлганда, шартноманинг ушбу иштирокчиларида ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судларга мурожаат этиш ҳуқуқлари вужудга келади.

Мурожаатларнинг процессуал тартиби бевосита Иқтисодий процессуал кодекси ва тегишли Пленум қарорлари билан тартибга солинган бўлиб, мурожаатга қўйилган талаблар, унинг кўриниши, муддати ва бошқа жиҳатлари мурожаатни берувчи томонидан амал қилиши лозим бўлган шартлар саналади. Мазкур шартлар «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Олий суд Пленуми қарорида ҳам назарда тутилган.

Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси бўйича келиб чиқадиган низо бўйича судга мурожаат қилувчи аризачининг аризаси ваколатли шахс томонидан имзоланиши лозим. Мазкур шартга амал қилмаслик суд томонидан аризани иш юритувига қабул қилишни рад этиш учун ёки кўрмасдан қолдиришга асос бўлиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодексининг 149-моддасида иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларга қўйиладиган мажбурий талаблар акс эттирилган.

Шунингдек, Кодекснинг 151-моддасида даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар ифодаланган.

Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш учун иқтисодий судга топшириладиган даъво аризаларида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилган суднинг номи;
- 2) даъвогарларнинг, жавобгарларнинг ва учинчи шахсларнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), аризачининг хоҳишига кўра тарафларнинг яшаш манзили;
- 3) агар даъвода ундирилиши лозим бўлган сумма бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво аризасида кўрсатилган талабларга асос бўлган ҳолатлар (низо кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш шартномаси бўйича бўлса, шартноманинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар);
- 5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундирилиши сўралган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса, уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;
- 8) агарда қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасида ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби назарда тутилган бўлса, жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

- даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжат;

- даъвогарнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- агар даъво аризаси вакил томонидан имзоланган бўлса, унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

Даъвогар хоҳишига кўра, бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари ҳам тақдим этилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг тарафлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат этиш имконига эга.

Бироқ, қурилишда улушбай иштирок этиш самарадорлигини ошириш мақсадида, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни тартибга солувчи Олий суд Пленуми қарорини қабул қилиш;

«Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида»ги Низом томонидан тартибга солинадиган шартномалар доирасини кенгайтириш мақсадига мувофиқдир.

Юқоридаги таклифлар билан боғлиқ ўзгартиришларни татбиқ этилиши нафақат шартнома иштирокчилари учун балки судлар ва бошқа тегишли органлар учун ҳам фойдали бўлар эди.

К. ХАЛМУХАМЕДОВ,
Зангиота туманлараро
иқтисодий суди раиси,

О. МАМАРАСУЛОВ,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимларни инобатга олган ҳолда мулк ижараси муносабатларини тартибга солиб турувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган қоидаларни изчил ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан, республикамызда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини кенгайтириш, соҳада фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тузиш ҳамда унга амал қилиш маданиятини янада ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мулк ижараси шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низоларни иқтисодий судларда кўриб чиқиш ва иш юритишнинг процессуал тартибига оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Хусусан, мулк ижараси шартномасини қўллаш самарадорлигини, айниқса, унинг хусусий тадбиркорликдаги аҳамияти ва таъсирини янада ошириш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам қабул қилинадиган қонунларнинг суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлигини ошириш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим устувор вазифаларидан биридир.

Ижара мулк эгасининг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа буюмларни муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш

учун бошқа бировга ўзаро келишувга мувофиқ топширишидир. Мулк эгаси (ижара берувчи) ўз мулкни бошқа бировга (ижарачига) вақтинча эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун беради.

Ижара муносабатларида ижарага берувчи ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори бўлиб қолаверади. Ижарачи эса, шартномада кўрсатилган муддат давомида мулкдорнинг баъзи ҳуқуқларини олади ва бунинг учун ижара ҳақини тўлайди. Шу билан бирга, ижарачи ижара фаолияти давомида ишлаб чиқариш воситаларининг вақтинча эгаси, олинган маҳсулот ва даромадларнинг эса мустақил эгаси ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 535-моддасида мулк ижараси шартномасига қуйидагича таъриф берилган: «Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади».

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Мулк ижараси шартномасининг олди-сотди шартномасидан фарқланадиган муҳим хусусияти ҳар доим мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдор қўлида сақланиб қолиши ҳисобланади².

Мулк ижараси шартномасига қуйидаги

ҳуқуқий белгилар хосдир:

- ижарага олувчига мулк ҳуқуқининг икки элементи – эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтади;
- шартнома тарафлар келишуви билан маълум ҳақ эвазига тузилади;
- шартнома икки томонлама ҳисобланади;
- шартнома консенсуалдир³.

Мулк ижарасининг объекти. Мулк ижарасининг объекти, яъни предмети шартноманинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. ФКнинг 537-моддасида мулк ижарасининг объектлари кўрсатилган бўлиб, ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

Мулк ижараси билан прокат шартномаси ўртасида маълум ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд.

Қонунда мулк ижараси шартномасининг шаклига алоҳида аҳамият берилган. Агар мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга тузилиши мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

Мулк ижараси шартномасида ҳар доим тараф сифатида ижарага берувчи ва ижарага олувчи иштирок этади. ФКнинг

538-моддасида кимлар ижарага берувчи бўлиши назарда тутилган, жумладан, мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Ижарага олувчи ўз фаолиятида зарур бўлган мол-мулкни эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳақ эвазига вақтинча ўзига олиб турган шахсдир.

Ижара муносабатларида тарафлар сифатида жисмоний ва юридик шахслар, давлат, чет эл юридик шахслари, хорижий давлатлар иштирок этиши мумкин⁴.

Мулк ижараси шартномаси тарафлар келишуви билан белгиланадиган муайян муддатга тузилади. ФКнинг 540-моддасига мувофиқ, мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда, тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳ. Бобоев, С. Ҳасанов ва бошқа олимларнинг кўрсатишича, одамларнинг кўчмас мол-мулклари, яъни ўзлари яшаётган уйлар, экинзор ерлар ва боғлар уларнинг мол-мулки бўлган, деб ҳисобланган. Энг асосийси шундаки, уларнинг таъкидлашича, мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига топшириш, бошқа шахс мулки-

га шартнома билан эгалик қилишни ҳам ўз ичига олади⁵.

«Авесто»даги кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида ўз аҳдида туриш, берилган ваъданинг устидан чиқиш, қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотик ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби шартномавий муносабатларнинг шакли ва айирбошлаш турлари ҳақидаги фикрлар муҳим аҳамиятга эга⁶.

Қадимги Римда ҳам мулк ҳуқуқидан ташқари ўзгалар мол-мулкига нисбатан ашөвий ҳуқуқлар мавжуд бўлган.

Рим ҳуқуқи бўйича ёллаш шартномаларининг уч тури мавжуд:

1) ашёларни ёллаш – ижарага олиш (лоатио-ондутио рерум).

2) хизмат кўрсатиш учун ёллаш (лоатио-ондутио операрум).

3) ишларни ёллаш ёки пудрат (лоатио-ондутио оперисёкиоперис фаиенди).

Ашёларни ёллаш ёки мол-мулк ижараси деб шундай шартномага айтиладики, бунга кўра, бир тараф, яъни ижарага берувчи (лоатио) бошқа тарафга, яъни ижарачига (ондутио) бир ёки бир неча хусусий аломатларни белгилайдиган ашёларни вақтинчалик фойдаланиш учун топширади. Бошқа томон эса ашёдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш (мерс пенсио) ва фойдаланиш тугагандан кейин ашёни бус-бутун ҳолда қайтариш мажбуриятини олади⁷.

Қадимги Рим эркин фуқаролари ўртасида мулкий табақаланиш жуда эрта рўй берган. Кўп сонли қулларга эга бўлган бой заминдорлар билан бир вақтда, оз ерга эга бўлган ёки умуман ерга эга бўлмаган камбағал деҳқонлар ҳам кўп бўлган. Айни вақтда ўз уйига эга бўлмаган фуқаролар ҳам бор эди. Ижарага берувчилар ва ижарачилар ўртасидаги муносабатларда ижарага берувчиларнинг ҳуқуқлари

устуворлик касб этган. Ижарага берувчининг иқтисодий ҳукмронлиги шунда яққол намоён бўлган. Ижарачи қадимги Римда мол-мулк эгалловчиси сифатида тан олинмаган ва ўз ҳуқуқини ўзбошимчалик билан бузишлардан ҳимоя ҳуқуқига эга бўлмаган.

Ислом ҳуқуқида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хосликларга эга. Ушбу ўзига хосликлар ислом ҳуқуқида мазкур муносабатларни тартибга солувчи манбалар, ҳуқуқий тизимнинг хусусиятлари билан белгиланади. Мулк ижараси шартномасида мулкдан фойдаланиш ва унинг ҳақини тўлаш назарда тутилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1929 йилдаги Гражданлик кодекси (ГК) 3-бўлимнинг 152-170-моддалари мулк ижарасига бағишланган эди. Ушбу ГКга асосан мулк ижарасининг максимал муддати 12 йил қилиб белгиланган (ГКнинг 154-моддаси). Ижара шартномаси бир йилдан ошиқ муддатга тузиладиган бўлса, ёзма равишда тузилиши шарт қилиб қўйилган. Давлат корхоналари ва коммунал корхоналарни ижарага олиш тўғрисидаги шартномалар нотариал гувоҳлантирилиши шарт қилиб қўйилган. Акс ҳолда, шартнома ҳақиқий ҳисобланмаган. Унда асосий эътибор турар-жой ижараси шартномасига берилган.

1929 йилги ГКнинг мулк ижараси тўғрисидаги нормаларида қатор ўзига хосликлар мавжуд бўлган. Масалан, ГКнинг 159-моддасида давлат корхоналари ва коммунал корхоналар ижарага олинган ҳолда капитал ремонт мажбурияти ижарага олувчининг зиммасига юклатилган. Ижара ҳақи сифатида пул, натура билан ҳақ тўлаш маълум бир хизмат бажарилганда бериладиган мол-мулкдан олинган фойдадан улуш ажратиш тарзида бўлишига йўл қўйилган (ГКнинг 165-моддаси). Мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ижара-

га берилганда, бошқа бировга ўтказилган тақдирда ижара шартномаси янги эга учун ҳам ўз кучида қолади.

Умуман олганда, 1929 йилдаги ГКнинг мулк ижараси тўғрисидаги нормаларини таҳлил этиб, унда қуйидаги хусусиятлар мавжуд бўлган деб қайд этиш мумкин:

а) ижара бўйича аввалдан мавжуд бўлган анъанавий нормаларнинг ўз ифодасини топганлиги (масалан, ижарачининг ижара шартларини янгилашда имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи. Ижарага берувчи мулк эгаси ўзгарганда ижара шартномасининг ўз кучида қолиши, ижарачини ижарага берган мол-мулкни унинг мулкдоридан талаб қилиб олиш ҳуқуқи ва ҳоказо);

б) социалистик ҳуқуқ тизимига хос бўлган коммунистик мафкура ва давлат мулкининг устуворлигидан келиб чиқувчи нормалар (масалан, давлат корхоналари, бинолари ижарага олинганда капитал ремонт қилиш мажбуриятини ижарага олувчи зиммасига юклаш, айрим мол-мулк объектларини ижарага бериш тақиқланганини кўп ҳолларда ижара шартномаси маъмурий ҳужжатлар асосида тузилиши ва ҳаказо).

Мулк ижараси шартномасининг мазмунини тарафлар ўртасида белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбурият ташкил этади.

Мулк ижараси шартномаси бўйича барча муҳим шартлар тўғрисида тарафлар ўзаро келишган ва қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилган вақтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Мулк ижараси шартномасининг муҳим шартлари – шартнома объекти, шартнома муддати ва ҳақнинг миқдори, шунингдек тарафларнинг шартнома шартларини бузганда қўлланиладиган жавобгарликлар ҳисобланади.

Томонлар шартнома шартларига рози бўлиб ўзаро келишганларидан ва уни белгиланган шаклда расмийлаштирилганлари-

дан сўнггина уларда ҳуқуқ ва мажбурият вужудга келади⁸.

Ижарага берувчи ашёни муайян муддатга фойдаланиш учун ижарага олувчига бериш мажбуриятига, ижарага олувчи шартнома бўйича келишилган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ҳуқуқига, ижарага берувчи бунинг учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади, ижарага олувчи эса ҳақ тўлаш мажбуриятига эга бўлади. Бунда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир-бирига қарама-қаршидек кўринса-да, улар бир мақсад сари йўналтирилган бўлади. ФКнинг мулк ижарасини тартибга соладиган нормаларида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглик асосида ишлаб чиқилган. Хусусан, бир тарафнинг ҳуқуқи қаршисида иккинчи бир тарафнинг мажбурияти бўлишини ва аксинча ҳар бир бурчли тараф ўз қаршисида унга ҳуқуқи бўлган тарафнинг бўлишини талаб этади.

Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди.

Шартнома тузишда ижарага берувчи ижарага олувчини ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва ҳоказолар) ҳақида огоҳлантириши лозим. Ижарага берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан шошилинч зарурат туфайли ўтказиладиган таъмирлашни ижарага берувчи ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт.

Капитал таъмирлаш мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар бу муддат шартномада белгиланма-

ган ёки шошилинч зарурат туфайли ўтказилса, оқилона муддатда амалга оширилмоғи лозим.

Ижарага берувчининг капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаслиги ижарага олувчига ўз хоҳишига кўра:

– шартномада белгиланган ёхуд шошилинч зарурат тақозо этаётган капитал таъмирлашни амалга ошириб, таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш;

– ҳақни тегишлича камайтиришни талаб қилиш;

– шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради (ФКнинг 547-моддаси).

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса, мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Агар ижарага берувчининг ёзма оғохлан-тиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 545-моддаси).

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ижарага олувчининг асосий мажбуриятларидан бири бўлиб, ФКнинг 544-моддасида назарда тутилган. Унга кўра, ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда, одатда, худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган, деб

ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

– вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;

– ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;

– ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;

– ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

– ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Тарафлар мулк ижараси шартномасида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ФК 544-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳақ шакллари ара-лаш амалга оширишни ёки ҳақ тўлашнинг бошқа шакллари назарда тутишлари мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори шартномада белгиланган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижараси учун ҳақ миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача энг кам муддатлари назарда тутилиши мумкин.

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳуқуқларидан бири бу ижарага олинган мол-мулкни

тасарруф қилишдир. Бу ҳақда ФКнинг 546-моддасида қуйидагича қоида назарда тутилган. Агар Фуқаролик кодексида, бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга, шунингдек бу ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топширишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ижарага олувчи шартнома бўйича ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади, қайта ижара бундан мустасно. Мол-мулкни бошқа шахсларга топшириш ҳақидаги шартнома ижара шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш ҳақидаги шартномага нисбатан мулк ижараси шартномаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, уни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчининг жавобгарлиги. Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи

ўз хоҳишига кўра:

– ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи-ни мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

– ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

– шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли⁹.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларни бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши ижарага олувчи кўрган зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгарishi учун асос бўлмайди¹⁰.

Шартнома тузишда ижарага берувчи ижарага олувчини ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва ҳоказолар) ҳақида огоҳлантириши лозим. Ижарага берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзлари етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тўлашлари шарт деб кўрсатилган. ФКнинг 541-моддасида ижарага олувчига ижара мол-мулкни тўлиқ ва ўз вақтида топширмаганлик учун ижарага берувчининг жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра:

– агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агарда бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсадан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли;

– агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган

бўлса, ижарага олувчи ФКнинг 331-моддасига мувофиқ, бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ижарага олувчи шартнома муддати туғаши билан ижарага олинган мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришини ҳисобга олиб ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечикиб қайтарса, кечиктириб қайтарилган барча вақт учун ижара ҳақини тўлашни ижарага берувчи талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчининг кўрган зарарини қопламаган тақдирда, зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин (ФКнинг 554-моддаси).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини устувор ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, рақобат муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, мулк ижараси фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, мулк ижараси шартномалари билан боғлиқ муносабатларни тадқиқ этиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг мулк ижараси шартномаси билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ўрганиш нафақат илмий, балки тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ва сифатли ҳимоя қилишнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланиши баробарида, тадбиркорлик субъектларининг мулк ижараси муносабатлари бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни янада кучайтириш, мамлакатни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг мулк ижараси шартномасини тузишда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига чиқишига шарт-шароитлар яратишда ҳал этилиши лозим бўлган куйидаги айрим ташкилий-ҳуқуқий масалаларни иқтисодий соҳада тўлиқ амалга оширишга эришиш учун:

биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг электрон дастурлардан кенг фойдаланишини йўлга қўйиш ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ижара фа-

олиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалий қўлланма сифатида чоп этиш;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонунининг мониторингини ўтказиш натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг мулк ижара фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий билим ва савияларини ошириш бўйича ўқув машғулотларини мунтазам ташкил этиш;

тўртинчидан, мулк ижарасига оид туркум кўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш жоиздир.

Ш. БЕГМАТОВ,
Зомин туманлараро
иқтисодий суди раиси,

Н. АБДАЗОВ,
Зомин туманлараро иқтисодий
суди девонхона мудир

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ.Профессional шарҳлар. Т2./ Адлия вазирлиги. Т.: «Baktria Press», 2013. – 263-264-б.
2. Ro‘ziev R.J. Mulk ijarasi sifatida prokat shartnomasining o‘ziga xos belgilari //J.Huquq-Pravo-Law. -2001. -2-son. 64-b.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ.Профессional шарҳлар. Т2./ Адлия вазирлиги.Т.: «Baktria Press», 2013. – 271-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ.Профессional шарҳлар. Т2./ Адлия вазирлиги.Т.: «Baktria Press», 2013. 264-б.
5. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Хасанов С., Олламов Я. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Хоразм. Урганч. 2002. 35-б.
6. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Хасанов С., Олламов Я. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Хоразм. Урганч. 2002. 37-б.
7. Новицкий И.Б. Римское право. – М.: ТЕИС, 1994. 185-б.
8. Boboqulov S.B. Ijarachi huquqlari yoxud ijarachi va ijaraga beruvchi o‘rtasidagi huquqiy munosabatlar. //J. Huquq va burch. -Toshkent: 2008. -№4..; Bino va inshoot ijara shartnomasining o‘ziga xos xususiyatlari. –Т.: Хо‘jalik va huquq. 2003.
9. Boboqulov S.B. Ijarachi huquqlari yoxud ijarachi va ijaraga beruvchi o‘rtasidagi huquqiy munosabatlar. //J. Huquq va burch. -Toshkent: 2008. -№4..; Bino va inshoot ijara shartnomasining o‘ziga xos xususiyatlari. –Т.: Хо‘jalik va huquq. 2003.
10. Fuqarolik huquqi. 2-qism. Darslik. H.Raxmonqulov, I.Zokirovlarning umumiy tahriri ostida. -Т.: Ilm-Ziyo, 2008. 535-b.

ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҚЎПОРУВЧИЛИКНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Қўпоровчилик (лот. «diversio» – «чалғиш») адабиётларда мақсадга эришиш учун энг муҳим объектлар ёки уларнинг элементларини портлатиш, ўт қўйиш, сув бостириш, шунингдек жанг қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа бузғунчи усулларни қўллаган ҳолда ишдан чиқариш бўйича қўпоровчи гуруҳлар ёки алоҳида шахслар томонидан махсус пухта тайёргарлик кўрилган яширин чора-тадбирлар сифатида таърифланади¹. Қўпоровчилик ижтимоий хавфли қилмиш сифатида бошқарув шаклидан қатъи назар, кўплаб давлатларнинг жиноят қонунчилигида тақиқланган.

Қўпоровчилик портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа усул билан корхоналар, иншоотлар, йўллар, алоқа воситаларини ёхуд бошқа давлат, жамоат мулкани бузиш ёки шикастлантириш, ёппасига заҳарлаш ёки эпидемиялар ва эпизоотиялар тарқатиш (хайвонларга касаллик юктириш)дир².

Қўпоровчилик жиноий қилмиш сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, у давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётга путур етказишга қаратилган. Бунда, қўпоровчининг қасди давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёки иқтисодиётга путур етказишни қамраб олади. Иккинчидан, қўпоровчилик фаолияти кўпинча яширин, хаспўшланган хусусият касб этади (технологик фалокат сифатида кўрсатиш ва ҳ.к.). Учинчидан, қўпоровчилик фаолияти уюшган ҳолда иштирокчиликда содир этилиб, мазкур жиноятларга имкон қадар

кўпроқ шахсларни жалб этишга ҳаракат қилинади.

Кўп ҳолларда қўпоровчилик жинояти оқибатида на ҳарбий ҳаракатларга, на қабул қилинган сиёсий қарорларга дахли бўлмаган оддий фуқаролар жабр кўрадилар. Қўпоровчилик ҳаракатлари кўп сонли инсонларнинг барвақт ўлими, кўп миқдордаги моддий бойликларнинг вайрон (нобуд) бўлиши, жиддий иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва бошқача оқибатларга сабаб бўлиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, қўпоровчилик тизимли, давом этувчи хусусият касб этиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолатларда ташкилотчи, бажарувчи ва ёрдамчиларни аниқлаш қийин бўлади.

Руминиялик олим Г. Дьяконеску фикрича, ўзининг йирик жамоатчилик резонанси туфайли қўпоровчилик ҳаракатлари жамият асосларига путур етказди, аҳолида кўрқув, хавотир, мағлубият, давлат органларининг ижтимоий муносабатларнинг барқарор ривожланишининг таъминлаш қобилятига бўлган ишончсизлик туйғуларини келтириб чиқаради. Жамиятдаги ушбу ҳолатларга ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлар ҳам эътибор қаратиши натижасида бошқа турли кутилмаган салбий оқибатлар рўй беради³.

Қўпоровчилик содир этилиши натижасида мамлакат халқ хўжалигининг муҳим объектлари йўқ қилиниши мумкин. Бу эса, иқтисодиётга катта зиён етказди. Қўпоровчилик натижасида одамлар ҳалок бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказилади, аҳолининг руҳий ҳолатига салбий

таъсир этилади, саросимага тушиш ва бошқа салбий ҳодисалар юз бериши мумкин. Қўпоровчиликнинг ҳайвонларни қириб, нобуд қилишга йўналтирилган тури ҳам бор, қўпоровчилар бу билан халқ хўжалигини барбод этиш мақсадини кўзлайдилар. Кишиларни заҳарлаш, юқумли касалликлар тарқатиш шаклидаги қўпоровчилик ҳаракатлари ҳам оғир жиноятлардан ҳисобланади⁴.

Мазкур жиноятнинг объектив томонини ўрганиш уни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, жиноят таркибининг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, ижтимоий хавфли оқибатни, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланишни (зарурий), жиноят содир

этилган вақт, жой, вазият ва жиноятни содир этиш усулини (факультатив) ўз ичига олади⁵. Бу – жиноий қилмишнинг ташқи томонини тавсифловчи юридик аҳамиятга эга белгилар мажмуи. Жиноятнинг объектив томонини жиноий қилмишнинг ўзаги деб аташ мумкин. Зеро, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, энг аввало, жиноятнинг ташқи томонида объективлашади. Демак, жиноятнинг объектив томони – бу бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган қилмишни содир этишдир.

Латвиялик профессор У.Крастинс жиноят ҳуқуқида «ҳаракат» атамасининг мазмунини тушунтирар экан, ҳаракат шахсининг жиноий ҳаракат объектига

АННОТАЦИЯ

Мақолада террорчилик хусусиятига эга қўпоровчилик жиноятининг объектив томони тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларининг илмий-назарий тавсифи, қўпоровчилик объектив томони тўғрисида миллий қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассис олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар натижаси бўйича қўпоровчилик жинояти объектив томони таркибини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: террорчилик хусусиятига эга жиноят, қўпоровчилик, қўпоровчиликка қарши курашиш, қўпоровчиликнинг объектив томони, ижтимоий хавфли қилмиш.

* * *

В статье проанализировано понятие объективной стороны диверсии как преступления террористического характера и дано научно-теоретическое описание его специфических черт. Проанализировано национальное законодательство об объективном аспекте подрывной деятельности, а также взгляды ученых, специализирующихся в области уголовного права. На основании анализа статьи внесены предложения по расширению содержания объективной стороны диверсии, как преступления террористического характера.

Ключевые слова: преступления террористического характера, диверсия, борьба с диверсией, объективная сторона диверсии, общественная опасное деяние.

* * *

Annotation: The article analyzes the concept of the objective side of diversion as crimes of a terrorist nature and gives a scientific and theoretical description of their specific features. Analyzed the national legislation on the objective aspect of subversion, as well as the views of scientists specializing in the field of criminal law. Based on the analysis of the article, proposals were made to expand the content of the objective side of the crime of diversion.

Key words: terrorist crimes, diversion, the fight against diversion, the objective side of diversion, socially dangerous act.

қаратилган онгли, фаол ва ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказиши ёки етказиш хавфи остида қолдиришини таъкидлайди⁶.

Бошқа манбаларда ёзилишича, жиноятнинг объектив томони қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан муайян шарт-шароит, жой ва вақтда амалга ошириладиган ташқи тажовуз ҳисобланади⁷.

Жиноят ҳуқуқида объектив томон ўта муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, биринчидан, жиноят ҳуқуқи нормасининг диспозициясида жиноят-ҳуқуқий таққининг моҳиятини, хусусан, унинг ташқи шаклини очиб беради, бу эса муайян ижтимоий хавфли ҳаракатни тўғри квалификация қилишга имкон беради. Иккинчидан, жиноят таркибий қисмларидан бири сифатида объектив томон қилмиш учун жинойий жавобгарликни белгилашнинг зарурий ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Учинчидан, ҳукм чиқаришда объектив томоннинг белгилари (у ёки бу объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; ижтимоий хавфли оқибат; қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; жиноятни содир этиш усули, жойи, вақти, воситалари ва қуроли) ҳисобга олинади⁸.

Бевосита қўпоровчилик жиноятининг объектив томонига тўхталадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 161-моддасида мазкур жиноят одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар орқали содир этилиши белгиланган. Жиноят ҳаракатсизлик оқибатида амалга оширилмайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур жиноят бошқа турдош жиноятлардан ўзининг

мақсадига кўра фарқланади. Яъни, қўпоровчиликда юқоридаги ҳаракатлар «Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш» мақсадида содир этилади.

Қўпоровчиликнинг объектив томони унинг турларига қараб фарқ қилиши мумкин. Масалан, фикримизча, қўпоровчиликни иқтисодий, сиёсий, ахборот (мафкуравий), психологик (миш-мишлар тарқатиш), киберқўпоровчилик (электрон қўпоровчилик, хакерлар ҳужуми) каби турларини ажратиш мумкин.

Хусусан, қўпоровчилик объектив томони жиноят содир этиш усулларида бири бўлган одамларни қириб юбориш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимига сабаб бўладиган ҳаракатларни тушуниш лозим. Қўпоровчилик натижасида одам ўлими кўринишида оқибат келиб чиқадиган бўлса, ушбу жиноят таркиби билан қамраб олинади. Лекин, шу билан бирга қўпоровчилик Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ шахсни ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда қасдан ўлдириш жиноятларидан субъектив томони билан фарқланади.

Яъни, ушбу икки жиноятлар объектив томондан ўхшаш бўлса-да, қўпоровчилик давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида содир этилиши билан фарқланади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар учун ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, қўпоровчилик учун

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шу боис, фикримизча, мазкур жиноятни одамлар ўлимига сабаб бўладиган оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодекси 161-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган ҳамда ушбу ҳаракат учун жиноий жазо миқдорини ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзида қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Қўпоровчилик жинояти объектив томондан одамларнинг соғлиғига зиён етказиш орқали ҳам содир этилиши мумкин. Бунда, одамларнинг соғлиғига зиён етказиш деганда, икки ёки ундан ортик шахсга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатини етказиш тушунилади.

Шу билан бирга, мол-мулкка шикаст етказиш – бу иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш имконияти мавжуд бўлган моддий объектларни қисман ёки вақтинчалик яроқсиз ҳолга келтириш, мол-мулкни йўқ қилиш эса, моддий объектларни шундай ҳолатга келтириш, уларни қайта тиклаш имкони бўлмаслиги ёки қайта тиклаш иқтисодий жиҳатдан бефойда бўлган ҳолатдир⁹. Бошқача айтганда, мол-мулкка шикаст етказишда моддий объект вақтинча ишдан чиқарилиб, уни қайта тиклаш имконияти сақлаб қолинади, йўқ қилишда эса, у тўлиқ ишдан чиқади ҳамда уни қайта тиклаб бўлмайди ёки қайта тиклаш иқтисодий жиҳатдан зарарли бўлади.

Умуман олганда, қўпоровчилик одатда бошқалар учун ижтимоий хавфли бўлган усуллар, хусусан, портлатиш, ўт қўйиш, сув бостириш, оммавий захарлаш, эпидемия, эпизоотия тарқатиш ва бошқа кўпчилик учун хавфли бўлган усулларда содир этилади. Қўпоровчилик бундан ташқари давлат органлари нормал фаолияти, ижтимоий инфратузилма ёки

иқтисодиёт тармоғида муҳим бўлган объектларни вайрон қилиш ёки уларга шикаст етказиш, шу жумладан, технологик тартиб-таомилларни ёки хавфсизлик қоидаларини қасддан бузиш орқали турли хил техноген фалокатлар, ишлаб чиқариш аварияларини уюштириш, муҳим объект, масалан, коммуникация, энергетика, транспорт ёки алоқа инфратузилмаси объектини ишламай қолишига олиб келадиган уларнинг бир қисмига шикаст етказиш каби ҳаракатлар орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 278⁵-моддасида «Компьютер саботаж», яъни ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб келаётган ҳамда «Электрон ҳукумат» тизими сезиларли даражада шаклланиб бўлганини ва натижада бугунги кунда айрим тизимлар давлат органлари фаолиятини ташкил этишга бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 278⁵-моддасида белгиланган ҳаракатлар «давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш» мақсадида содир этилганда қилмишни қўпоровчилик сифатида ЖКнинг 161-моддаси билан квалификация қилиш тўғри бўлади.

Қўпоровчилик жиноятини террорчилик хусусиятига эга жиноятлар турига ҳам киритиш мумкин. Махсус тайёргарлик кўрган бир гуруҳ шахслар томонидан террористик ҳаракатларни, яъни қўпоровчиликни содир этиш ҳолатлари чет элларда учраб туради. Ушбу ҳолат-

да қўпоровчиликни содир этганларнинг террористик ташкилотлар билан алоқадорлиги, уларнинг кўрсатмалари ёки буйруқлари асосида бажарилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, қўпоровчиликни содир этиш усуллари жиноят квалификациясига таъсир этмайди, балки жинойи жазо миқдорини белгилашда инобатга олинishi мумкин.

Жиноят қонунида қўпоровчилик формал таркибли жиноят сифатида шакллантирилган. Яъни, ушбу жиноят давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётга путур етказишга қаратилган одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ҳаракатларини содир этган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қўпоровчилик оқибатида одамлар ўлими, уларнинг соғлиғига зиён этиши, мол-мулклари шикастланиши ёки йўқ

қилиниши тарзидаги оқибатлар қўпоровчиликни тамомланган жиноят сифатида баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас. Бунда, оқибат келиб чиқмаса-да, шахснинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётга путур етказишнинг ўзи эканлиги кифоя қилади. Бирок, қўпоровчилик натижасида келиб чиққан оқибатлар ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир кўрсатади ва шу тариқа мазкур қилмиш учун жазо белгилашда суд томонидан инобатга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, қўпоровчилик оғир жиноятлардан бири бўлиб, унга қарши самарали курашиш ҳамда жавобгарликни дифференциация қилиш лозим.

Ж. ИБРОҲИМОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

1. Давиатадзе М.Д. Уголовная ответственность за диверсию // Вестник Московского университета МВД России. – 2020. – №3. – С. 169.
2. Qomus.info onlayn ensiklopediya // www.qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoporumchilik-uz/
3. Diaconescu Gh. Infractiunile in Codul penal roman. Vol. I. – Bucuresti: Oscar Print, 1997. – 481 p.
4. Qomus.info onlayn ensiklopediya // www.qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoporumchilik-uz/
5. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В пяти томах. Т.1. Общая часть. Учение о преступлении. Учебник для вузов. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 205.; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. 132-б.; Очилов Х, Саволлар ва жавоблар. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма / Маъсул муҳаррир: проф. Ф.Тохиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 28-б.; Мальцев В.В. Объективная сторона преступления (факультативные признаки). – М., 1995. – С. 17.; Ковалев М.И. Проблемы учения об объективной стороне преступления. – Красноярск, 1991. – С. 24.
6. Krastiņš U. Noziedzīgs nodarījums. – Rīga, 2000. – 50.lpp.
7. Уголовное право России: в 2 т. Т. 1. Общая часть / отв. ред. А.Н. Игнатов, Ю.А. Красиков. – М., 1998. – С.114.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2003. – С.85. ва б.к.
8. Торговченков В.И. Объективная сторона заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Вестник ТГУ. – 2012. – № 1(105). – С.259-261.
9. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр. – Тошкент: ҲТИ, 2018. 438-б.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ МЕХАНИЗМЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Реабилитация институтининг турли давлатлардаги процессуал шакли юзасидан фарқлар жиноят процессининг фундаментал ғояларидан келиб чиқади. Мазкур институт жиноят-хуқуқий низони давлатнинг шахсга нисбатан даъвоси сифатида биладиган, жиноят процессининг тортишув моделига асосланган англосаксон хуқуқ тизимида хос эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Айнан шу сабабдан реабилитация доктринал ва амалий жиҳатдан континентал хуқуқ тизими давлатларида (Швейцария, Бельгия, Германия, Австрия, Франция, МДХ давлатлари) кўпроқ ўрганилган. Зотан, континентал жиноят процесси моддий ҳақиқат принципига асосланган ва ишни судга қадар юритувчи органлар ва судга иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш вазифасини юклаган. Бундай ҳолатда тергов органлари ва суд шахсни оқловчи ҳолатларни аниқламаганлиги ва уларга баҳо бермаганлиги учун ўз-ўзидан айбдор бўлади.

Н. Н. Розин ноқонуний жиноий таъкиб ва ҳукм қилиш оқибатларини қўлловчи давлатларни уч турга ажратган:

1) суднинг хатоси билан айбсиз судланган ва ўзлари лойиқ бўлгандан кўра оғирроқ жазони тўлиқ ёки қисман ўтаган шахсларга, агар ишни қайта кўриш вақтида ушбу шахслар оқланган ёки енгилроқ жазо тайинланган бўлса, тўлов беришни кўзда тутадиган давлатлар;

2) жиноий таъкиб остида бўлган ва қамоқда сақланиб, кейинчалик суд томонидан оқланган ёки иш судга қадар тугатилганлиги сабабли жиноий таъкибдан

кутулган шахсларга тўлов беришни кўзда тутадиган давлатлар;

3) жиноят иши қайси босқичга етиб борганлиги, қачон тугатилганлиги ва тегишли шахсларга чеклов қандай ҳажмда бўлганлигидан қатъи назар, жиноят ишлари бўйича судга айбсиз жалб қилинадиган шахсларни мукофотлашни кўзда тутадиган давлатлар¹.

Континентал Европанинг барча давлатларида давлат томонидан шахсга етказилган зарарни қоплаш адолат ва айбсизлик презумпциясини амалга ошириш шарти ҳисобланса-да, реабилитация турли шаклларда амалга оширилади ва мазкур шакллар қуйидаги принципларга асосланади:

1) давлатнинг шахс олдидаги жавобгарлиги принципи;

2) зарар етказган шахснинг (айблов эълон қилган, ҳукм чиқарган, процессуал мажбурлов чораларини қўллаган) шахснинг давлат олдида регресс жавобгарлиги;

3) бевосита зарар етказувчи шахс (судья, прокурор, жабрланувчи, эксперт, гувоҳ)нинг жавобгарлиги.

Ғазнанинг жавобгарлигига романо-герман хуқуқ тизимида «казуал», «объектив», «легал» деб қаралади, сабаби у ноқонуний ҳаракатлар таркиби бор-йўқлигидан қатъи назар, келиб чиқади, зарарни қоплаш ҳақида аксарият қонунларда давлатнинг мажбурияти сифатида ифодаланади, бошқаларда патернализм ғоясининг таъсири ошқора кузатилади².

Бирок, умумий хуқуқ оиласига мансуб кўпгина давлатларда давлат ва унинг ор-

ганлари, судья, прокурор, полициясининг тўлиқ ёки қисман иммунитетни белгиланган бўлиб, бундай ҳолларда шахс етказилган зарарни ундириш масаласида даъво қўзғата олмайди.

Мазкур ёндашувни Жон Томпсоннинг АҚШнинг Луизиана штатида нисбатан даъвосида кўриш мумкин. Жон Томпсон ўлимга ҳукм қилиниб, 18 йил қамокда сақланган бўлиб, шундан 14 йил ўлим жазоси ижросини кутиб яшаган. 2003 йил Томпсон оқланганида Луизиана штати унга 10 АҚШ доллари ва автобусга билет олиб берган. Унинг округ прокурорига нисбатан даъвоси, прокурор унинг айбсизлигини тасдиқловчи далилни 15 йил яшириб келганлиги сабабли суд томонидан қаноатлантирилиб, ўлим жазосини кутиб яшаган ҳар бир йили учун 1 млн. АҚШ долларида жами 14 млн. АҚШ доллари компенсация ундириш белгиланган. 2011 йил 29 мартда иш Луизиана штатининг даъвосига асосан Олий судда кўриб чиқи-

либ, прокуратура иммунитетга эгаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилинган³.

АҚШда давлатнинг чекланган жавобгарлиги принципи амал қилади, яъни шахснинг компенсация олиш ҳуқуқи фақатгина ноқонуний жиноий таъқиб натижасида юзага келади. Бунда, нафақат жиноий таъқиб ноқонунийлигини, балки ўзининг «процессуал айби» йўқлигини исботлаш мажбурияти даъвогарга юклатилган.

АҚШда суд хатолари 2 тоифага ажратилади: айбдор шахсни оқлаш ва айбсиз шахсни жазолаш. Биринчи тоифадаги хатоликнинг кўпайиши кўркувни (қонундан кўрқиш назарда тутилмоқда) тўғридан-тўғри пасайтиради, чунки у кутиладиган жазони камайтиради. Иккинчи тоифадаги хатоликнинг ортиши (кўпроқ айбсизларни қамокқа юбориш) кўркувни билвосита камайтиради, чунки у қонунни бузишдан кутиладиган жазо ва қонунни бузмаслик ўртасида фарқни камайтиради. Агар фарқ ноль бўлса, фойда қанчалик

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шахсни ноқонуний жиноий таъқиб ва айбловдан, ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашдан ҳимоя қилишнинг муаммоли масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, ноқонуний ёки асоссиз жиноий айблов натижасида етказилган зиённи қоплаш тартиби муҳокама этилган. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ноқонуний ҳаракатлар, реабилитация, зиённи қоплаш, ҳуқуқларни тиклаш, жиноят процесси.

* * *

В статье проанализированы некоторые проблемные вопросы в области защиты личности от незаконного уголовного преследования и обвинения, ограничения их прав и свобод. Также рассматривается порядок возмещения вреда, причиненного незаконными или необоснованными уголовными обвинениями. Обосновываются предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: незаконные действия, реабилитация, возмещение вреда, восстановление прав, уголовный процесс.

* * *

The article explores some matters in the field of the citizen protection from illegal criminal prosecution and accusation, restriction of their rights and freedoms.

Also examined a mechanism of compensation for harm caused by unlawful or unjustified criminal charges. Proposals for improving legislation are justified.

Key words: illegal actions, rehabilitation, reparation, restoration of rights, criminal proceedings.

кам бўлишидан қатъи назар, жиноят содир қилинади, қўрқув батамом йўқолади⁴.

АҚШ «Ўлим жазоси юзасидан ахборот маркази»нинг маълумотларига кўра, 1973 йилдан буён 25 та штатда 185 нафар шахс айбсизлиги ҳақидаги далиллар асосида ўлим жазосини ижро этиш учун навбатдан чиқариб ташланган, шу билан бир вақтда 1976 йилдан 2020 йилга қадар 1533 та ўлим жазоси ижро этилган⁵. 1989-2003 йилларда АҚШда биринчи инстанцияда айбли деб топилган 340 нафар шахс, юқори инстанциялар томонидан оқланган⁶.

Колумбия университети томонидан ўтказилган тадқиқотларда ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг 7 фоизи кейинчалик оқланганлиги аниқланган⁷.

АҚШ Федерал қонунчилигига мувофиқ (28 U.S.C. § 2513) асоссиз қамоққа олиниб, кейинчалик оқланган шахс учун компенсация миқдори қамоқда қанча вақт бўлганидан қатъи назар, 5 000 АҚШ доллари этиб белгиланган. Бироқ, бу минимал миқдор бўлиб, масалан, Калифорния штатида озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир куни учун 100 АҚШ доллари⁸, Илинойс штатида 4 йилгача қамоқда сақланган бўлса 15 000 АҚШ доллари, 4 йилдан 14 йилгача 30 000 АҚШ доллари, 14 йилдан кўп бўлса 35 000 АҚШ доллари⁹, Айова штатида адвокат хизмати харажатлари, қамоқда сақланганлик учун қунига 50 АҚШ доллари, йилига 25 000 АҚШ долларигача иш ҳақи¹⁰, Нью Жерси штатида оқланган шахснинг бир йилги даромадининг икки баробари ёки 20 000 АҚШ доллари ва адвокат харажатлари¹¹, Огайо штатида қамоқда сақлашнинг ҳар бир йилига 40 330 АҚШ доллари, иш ҳақи ва адвокат харажатлари¹² тўланиши мумкин. Бироқ, АҚШнинг фақат 17 та штатида оқланган шахсларга компенсация тўлаш кўзда тутилган.

Сенатга киритилган «Айбсизликни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

(Innocence Protection Act (IPA)га мувофиқ федерал даражада бир хил компенсация тўлаш назарда тутилиб, қамоқда сақлашнинг бир йилига 50 000 АҚШ доллари, ўлим жазоси ижросини кутиш учун қамоқда сақланганда йилига 100 000 АҚШ доллари тўлаш кўзда тутилмоқда.

Сўнгги йилларда ДНК тадқиқотларининг янги воситалари ривожланиши натижасида 1980-1990 йилларда судланган бир қанча шахсларнинг айбсизлиги аниқланиб оқланган.

Масалан, 1983 йилда номусга тегишда айбланиб 16 йилга озодликдан маҳрум қилинган Habib Wahir Abdal 1999 йилда оқланиб, 2002 йилда суд штатдан унинг фойдасига 2 млн. АҚШ доллари ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

1978 йилда номусга текканлик ва 2 кишини ўлдирганлик учун 75 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган Kenneth Adams 1996 йилда оқланган. 1999 йилда суд оқланган шахснинг терговни амалга оширган полиция офицерларидан 36 млн. АҚШ доллари ундириш ҳақидаги даъвосини кўриб чиқиб, 8 млн. АҚШ доллари ундириш ҳақида қарор чиқарган.

АҚШ тарихида айбсиз бўла туриб энг кўп муддат жазони ўтаган шахс Malcolm Alexander ҳисобланади. У 1980 йилдан 2018 йилга қадар номусга тегиш жинояти учун 38 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган. 2018 йилда ДНК тести натижасида унинг айбсизлиги аниқланиб, етказилган зарарни компенсация қилиш масаласи судда кўриб чиқилмоқда.

Бироқ, АҚШда компенсация тўлашнинг суд хатоларининг олдини олишдаги самарадорлиги шубҳа остига олинади, бу албатта, АҚШ сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, прокурорларнинг сайланиши билан боғлиқ. Фуқаровий жавобгарликдан қўрқув асоссиз ҳукм чиқаришни камайтириши

жуда шубҳали¹³.

Буюк Британияда 2001 йил мартдан 2003 йил март ойига қадар ноқонуний ҳукм қилинган 106 нафар даъвогарга жами 3.5 млн. фунт тўланган¹⁴.

Давлат органлари томонидан шахсга етказилган зарар, шу жумладан, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳукм қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий тартибга солиш масаласида дунёда турлича ёндашув мавжуд.

Айнан ҳуқуқий тартибга солиш масаласида уч хил ёндашувни кузатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ давлатлари шахсининг давлат томонидан етказилган зарарнинг қопланишига бўлган ҳуқуқини конституция даражасида мустақамлаган (Озарбайжон, Жазоир, Албания, Австрия, Болгария, Бразилия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Италия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Португалия, Польша, Руминия, Швейцария, Япония). Албания, Вьетнам, Гватемала ва Гондурасда зарар қопланишига бўлган ҳуқуқдан ташқар

ри фуқаронинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқи ҳам конституцияда белгиланган¹⁵.

Иккинчи гуруҳ давлатларида ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш, ҳукм қилиш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш натижасида етказилган зарарни қоплаш жиноят-процессуал қонунида тартибга солинган.

Учинчи гуруҳ давлатларида жиноят ишлари юритувида шахсга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш масаласи махсус қонунлар билан тартибга солинган ва жиноят-процессуал қонунида кўзда тутилмаган. Масалан, Украинада 1994 йил 1 декабрда «Суриштирув органлари, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарни қоплаш тартиби ҳақида» қонун қабул қилинган.

А. САТТОРОВ,
Тошкент ҳарбий суди раиси,
Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси

1. Розин Н.Н. Уголовное судопроизводство. 3-е изд. Пг., 1916. – С. 571.
2. Бойцова Л.В. Реабилитация необоснованно осужденных граждан : Автореф. дис.. канд. юрид. наук. –Л. 1990. –С.19.
3. <https://supreme.justia.com/cases/federal/us/563/51/>.
4. VincyFon - Hans-Bernd Schaefer. State Liability for Wrongful Conviction: Incentive Effects on Crime Levels. Journal of Institutional and Theoretical Economics, Vol. 163, No. 2, June 2007.
5. <https://www.initiative-gegen-die-todesstrafe.de/unschuldige-kopie/>.
6. Samuel R. Gross et al., Exonerations in the United States: 1989 through 2003, 95 J. CRIM. L. & CRIMINOLOGY 523, 524 (2005).
7. <http://www2.law.columbia.edu/instructional>.
8. California Penal Code §4900-4906 <https://codes.findlaw.com/>.
9. <http://www.legis.state.il.us/legislation/ilcs/ch705/ch705act505.htm>.
10. <http://www.legis.state.ia.us/cgi-bin/IACODE/Code2001SUPPLEMENT.pl>.
11. N.J. Stat. Ann. § 52:4C1-5.
12. Ohio Rev. Code Ann. §2743.48.
13. Lawrence Rosenthal, Second Thoughts on Damages for Wrongful Convictions, 85 Chi.-Kent L. Rev. 127 (2010).
14. <http://www.mojuk.org.uk/2003/wrongful.html>.
15. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник / под ред. А.Я. Сухарева. – М. : НОРМА, 2003. – С. 976.

УМР ДЕГАНЛАРИ ИБРАТ, САОДАТ!



Инсон умрининг ҳар фасли – болалик, ёшлик ва кексаликнинг ҳам ўзига хос гашти, қувончу ташвишлари бўлади. Шу билан бирга, бу бетакрор даврларнинг синовли сўқмоқлари, пасту баланд йўллари ҳам борки, уларни матонат билан босиб ўтишга тўғри келади. Ана шу даврлар мобайнида яратилган катта тажриба, малака ва мактаб ёш авлодга, шогирдларга ибрат бўлса, демак бу инсоннинг умри бесамар кетмаган бўлади. Бугунги кунда кексалик нашидасини сураётган Зоир Алиев ҳам намуна қилиб кўрсатса арзийдиган ҳаёт йўлларини босиб ўтган.

У суд-ҳуқуқ соҳасида кўзга кўринган устозлардан бири, ўз касбининг чинаккам устаси, етук билимдони. Аммо, унга ҳаётнинг бундай чўққисини эгаллаш осон кечмаган.

Зоир Алиев туғилган Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги қишлоқнинг номи «Беклар қишлоғи» эди. У

ерда беклардан кўра, оддий деҳқон одамлар кўп эди. Зоир ака ҳам ана шундай оддий деҳқон оиласида вояга етди. Отаси Абдуфаттоҳ ака ва онаси Зулайҳо опа етти нафар фарзандини бировдан кам қилмасдан туну кун меҳнат қилиб, ширин сўз, ҳалол лукма билан катта қила бошлади.

Аммо, Иккинчи жаҳон урушидан жароҳат олиб келган Абдуфаттоҳ ака узоқ яшамади. Зоирнинг бошига отадан эрта айрилиш мусибати тушди. Болалигиданоқ қалбида ота меҳрига аталган жой бўм-бўш қолди.

Оддий колхозчи бўлиб ишлайдиган онасига ёрдамчи бўлди. Ёшлигидан меҳнатда суяги қотди. Турмуш қийинчиликлари, отасизлик азоби юрагини эзса ҳам, онасига билдирмади. Унинг ишини ҳам қилди, колхозникига ҳам улгурди, ўқишини ҳам ташлаб қўймади. Мактабда тиришқоқлиги, илмга интилувчанлиги билан ўртоқларидан ажралиб турар эди.

Мактабни битирмасданоқ колхозга ишга кириб олди. Тракторчилик укувини олди. Ишга меҳр, олдига мақсад қўйди.

Ҳарбийга хизматга бориб келгач, яна ўз ишига – колхозга қайтди. Аммо, унинг ўй-хаёлини бир орзу тарк этмасди – «ҳуқуқшунос бўламан!».

Феъл-атворидаги қайсарлик, бир сўзликлик уни ўз мақсадлари сари етаклай бошлади. Кундузи – иш, кечаси – ўқиш. Ана шу тартибда институтга тайёрлана бошлади.

Ниҳоят орзусига ҳам эришди: Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига сиртдан ўқишга киришга мушарраф бўлди. Ўқиганда ҳам астойидил, масъулият билан ўқи-

ди. Ҳуқуқшунослик касбининг нақадар масъулиятли касб эканлигини жуда яхши тушунарди.

У бир ишни қилсанг чин юракдан қил, бўлмаса умуман қилмай кўяқол, деган ақидага амал қилиб ишлайдиганлардан эди. Ўзи танлаган касбнинг нечоғли масъулиятли, машаққатли, айна чоғда марокли эканлигини йиллар ўтган сари янада чуқурроқ англади, англади-ю, янада зўр иштиёқ билан ишлади.

Меҳнат инсонни улуғлайди, дейди до-нишмандлар. Ҳақ гап. Зоир ака эл ишон-чини қозонган мутахассислардан бўлди. Шу боис, унинг лаёқати тўғри баҳоланиб, кўплаб лавозимларга тайинланди – хизмат пиллапояларидан бирин-кетин юқо-рига томон одимлай бошлади.

Устоз дастлаб Пастдарғомдаги ширкат хўжалигида тракторчи, Тошкентдаги 70-сонли қурилиш бошқармасида қурувчи, Пастдарғом кишлок хўжалиги бошқармасида ҳуқуқшунос, нотариал идорада нотариус, Большевик туман судининг раиси, Самарқанд вилоят судининг судьяси, Жомбой туман судининг раиси, Пастдарғом туман судининг судьяси, Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари, Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг раиси, Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси каби масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилиб элнинг раҳматига ва давлатимизнинг юксак ун-вонларига сазовор бўлдилар.

Зоир Алиевнинг хизматлари муносиб кадрланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Жиззах ва Самарқанд вилоят ҳокимликларининг Фахрий ёрликлари, «1-даражали меҳнат фахрийси кўкрак нишони», «Дўстлик» ордени, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги» кўкрак нишони ҳамда «Суд фахрийси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

– Устоз деган ном жуда улуғдир, – дей-

ди Зоир ака. – Бугун ўзим устозлик мақомига эришган бўлсам-да, ҳаёт йўлларимда менга ўғитлари, сабоқлари, йўл-йўриқлари билан устозлик қилган инсонларнинг ҳар бир сўзи ҳаёлимда, ҳеч қачон унутмайман. Ҳали ҳам уларнинг гапига қулоқ соламан...

Фарзанд қалбида бирор касбга меҳр уйғотиш – осон иш эмас. Зоир ака рафиқаси Шарофатхон ая билан 6 фарзандни – икки ўғил ва тўрт қизни вояга етказди. Бугунги кунда фарзандларининг барчаси касб-корли, турли соҳада фаолият юритишмоқда.

– Ҳаётимнинг мана шу манзилида ортимга бир нигоҳ ташлайман. Ва ҳеч афсусланмайман, касбимни тўғри танлаганман, адашмаганман, – дейди устоз.

Ҳамон ғайрат-шижоат тарк этмаган Зоир аканинг сўзлари, ўйлари ўзи каби самимий. «Инсонлардаги ҳаққонийликни, тўғрилиқни, фидойилиқни кадрлайман», дейдилар отахон. Худди шу хислатлар ўзининг ҳаёт йўлларида дастуриламал бўлди. Бу фазилатлар билан фарзандларини камолга етказди, эл орасида обрў топди, шодумонлик, бахтиёрлик манзиллари сари юрди.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди доно халқимиз. Умрини, ҳаётини эл корига, ватани равнақиға бағишлаган инсон ҳамиша ҳурматга, эъзозга лойиқ. Агар бундай фидойилиқ инсонийлик фазилатлари билан уйғунлашган бўлса-чи? Қариллик гаштини суриб юриб ҳам, юртим учун нимадир қилишим керак, деб куюнчаклик қилиб, савоб ишлар билан машғул бўлса-чи? Унда, бундай юртпарвар отахонларни ҳазрати инсон деб аташ жоиз бўлади.

Зоир Алиевни ана шундай инсонлар қаторига қўйиш мумкин.

Зоир ака чин маънода ҳазрати инсон мақомига лойиқ азиз устоздир!

Ш. ЭРМАТОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Чирчиқ туманлараро
суди судьяси

«БЕЧОРА АЁЛ»НИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Адҳам ака оппоқ «Ласетти»сини секинлатиб келиб, йўл четида қўл кўтариб турган қирқ ёшлар чамасидаги аёлни олдига тўхтади.

-Қаерга борасиз, синглим?

-Юнусободга, бозорга,- деди жувон машинанинг ярим очиқ кўзгусидан эгилиб қараркан. У қадди-қомати келишган, кўхликкина бўлса-да, анча юпун кийинган эди. Шу сабабли, Адҳам ака у билан тортишиб ўтирмади – айтганига дарров кўниб қўя қолди.

Йўлда кетишаётганда Адҳам ака машинанинг олд ойнасидан аёлга бир-икки қараб қўйди. Авваллари бунақа одати йўқ эди. Йўловчиларни сўраган жойига туширарди ва берган пулини олиб кетаверарди. Бу сафар негадир юпун кийингани учунми, унга раҳми келди. Машина чорраҳада тўхтаганда беихтиёр яна бурилиб қаради.

-Синглим, ўзи нима иш қиласиз? Бозорга нима учун кетаяпсиз,- деди.

Аёл боядан бери унинг қараб-қараб қўяётганини сезиб келаётганди. Гўё шу саволни кутиб тургандек гапга тушиб кетди.

-Мен ўзига тўқ бир оилада ишлайман. Уйини тозалайман, овқатини пишираман, кирини ювам, хуллас нима иш буюрса, барини қиламан. Бозори ҳам менинг бўйнимда. Лекин, кун бўйи ишлатиб арзимас иш ҳақи беришди. Айниқса, аёли жуда зикна, бунинг устига ўтакетган инжиқ. Кетай десам қаерга боришни билмайман. Отаонам мен турмушга чиққан йили ав-

тоҳалокатда қурбон бўлишган. Эримнинг иши юришмай ичкиликка берилиб кетди. Кейин урадиган одат чиқарди. Фарзанд кўрмайсан деб таҳқирлай бошлади. Жабрига чидолмай, ундан ажрашдим. Ота-онамдан қолган уйда акам турарди. Бир муддат уларникида турдим. Акам иш излаб четга кетгач, янгам билан келишолмай, уйдан чиқиб кетдим. Шундан буён қаердан нима иш топсам ишлаб, кун ўтказиб юрибман, - деб йиғлаб юборди.

Адҳам аканинг кўнгли бўшаб, нимадир ёрдам қилгиси келди. Аммо, нима қилишни билмади. Бозорга етиб келиб, у тушаётганда пулини олмади. Бирор ёрдам керак бўлса, телефон қилинг деб рақамини берди. Аёл бор дардини унутгандек жилмайиб хайрлашди-ю, тезгина бозорга кириб кетди.

* * *

Адҳам ака ишга чалғиб бу воқеани унутди. Орадан ўн кунлар ўтиб унинг қўл телефони жиринглади. Аввалига танимади. Сўнгра овозидан ўша кунги аёлни эслади.

-Адҳам ака, ёрдам керак бўлса, айтасан дегандингиз. Минг хижолатда телефон қилаяпман. Агар вақтингиз бўлса, ўша кунги жойга келсангиз, - деди илтижоли оҳангда у.

Адҳам ака ярим соатдан сўнг айтилган жойга етиб борди. Аёл ўша кунги эски кийимда, лекин ўзига пича оро берганди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. У тоби қочга-

нини, шифокор қимматроқ дори ёзиб берганини, пул топиб ололмаётганини айтди.

-Дори бор эканми? Қанча турар экан?

-Битта дорихонадан зўрға топдим. Саккиз юз минг деди. Кечадан бери ўйлаб-ўйлаб ноилож сизга қўнғироқ қилдим,- деди ерга қараб.

Адҳам ака чўнтагидан ва машинасидан пул олиб унга узатди.

-Бошқа хаёлга бормаслигингиз учун ўзингиз дорихонадан олиб берсангиз,- деди аёл.

Адҳам ака майли деди. Яхшиликни охиригача қилмоқчи бўлди. Тўсатдан аёлни исмини сўрамагани ёдига тушди.

-Исмингиз нима? Сўраш хаёлимга келмабди,- деди.

-Роҳила,- деди у ийманибгина.

Иккиси машинага ўтириб дорихонага йўл олишди. Адҳам ака йўл-йўлакай негадир ўзи ҳақида гапира кетди.

-Мен катта бир корхонада бўлим бошлиғи бўлиб ишлардим. Пул топишим яхши эди. Иккита қизимни яхши жойларга узатганман. Ўзим катта бир ҳовлида ёлғиз тураман. Қизларим навбати билан келиб хабар олиб туришади. Уларга ҳам қийин.

-Аёлингиз-чи,- деди Роҳила.

-Аёлим икки йил олдин бир касаллик туфайли вафот этган.

-Уйланмадингизми?

-Биринчидан, ёшим олтмишга бориб қолди. Иккинчидан, қизларим, танишларим олдида ноқулай бўлаяпти. Аммо, қизларим бизлар розимиз, қўнглингизга ёқадиган ўзингиз тенгини топиб уйланинг дейишяпти. Тўғриси, бу киракашликни ҳам пул учун эмас, гоҳогоҳо зерикканимдан қиламан. Уй-жойим, пулим ўзимга етарли.

-Нима, қўнглингизга ёқадигани топилмаяптими?- деди Роҳила сирли

жилмайиб.

Шу пайт улар дорихонага етиб келишди. Адҳам ака қизга зарур дорини олиб берди. Қайтиб ўша жойга олиб бориб қўйди.

-Адҳам ака, сиз менга катта ёрдам қилдингиз. Йўқ демасангиз, мен ҳам сизга ёрдам бериб турсам,- деди.

Адҳам ака ҳайрон бўлиб унга қаради.

-Ҳайрон бўлманг, уч-тўрт кунда бир бориб уй-жойингизни тозалаб бериб турсам. Шунда қарзимдан қутулган, хижолат бўлмаган бўлар эдим.

Адҳам акага бу таклиф ўринлидек туюлди. Қизлариниям кўп безовта қилмайди, қолаверса, бу аёлга ёрдам бериши учун яхши имконият туғилди.

* * *

Уч кундан кейин Роҳила унга қўнғироқ қилиб «бугун бўшман» деди. Адҳам ака уни ўша жойдан бориб уйига олиб келди. Роҳила ҳовлининг тўрт томонига айлантриб солинган икки қават уйлари кўриб оғзи очилиб қолди. Ҳовлидаги ҳамма нарса тартиб ва дид билан жойлаштирилган эди. Жимжимадор эшик ва деразалар бир хил оқ рангда, ерга ётқизилган кошинлар ҳам қаймоқ рангда бўлиб, бари уйғунлашиб кетганди. Ҳовли саҳнидаги бир-иккита гилосни айтмаса, қолган бари қимматбаҳо манзарали дарахтлар эди. Ўртада саккиз бурчак кубба қилиниб, остига жигарранг стол ва стуллар қўйилганди. Ундан сал нарида кичик ҳовузча бўлиб, ўртасида бир наҳанг оғзидан сув пуркаб турарди. Буларнинг бари кишини мафтун қилиб, роҳат бағишлар эди.

Роҳиланинг анқайиб қолганини кўриб, унинг хаёлини бўлди.

-Сиз менинг ётоқхонам билан меҳ-

монхонани чангини тозаласангиз бўлди. Қолган хоналар шарт эмас. Тепадаги хоналарда гоҳи-гоҳида куёвларим чет эл сафарига кетишса, қизларим ва невараларим келиб бир-икки кун туриб кетишади, - деди.

Роҳила айтилган хоналар тоза бўлса-да, чанглари артиб чиқди. Адҳам аканинг қаршилигига қарамай, ошхонани ҳам тозалаб, ўзи билганича овқат пиширди. «Эркак киши ҳадеб кўчадан овқат емай, уйда ҳам овқатланиб туриши керак», деди. Сўнг кетишга чоғланди. Адҳам ака қанча қистамасин, овқат ҳам емади, «ҳали сиздан қарздорман-ку» деб берган пулини ҳам олмади. «Йўловчи машинада кетаман» деб шунга яраша олди.

* * *

Роҳила шу тахлит уч-тўрт кунда бир келадиган, уй-жойларни тозалаб, бирор овқат қилиб кетадиган бўлди. У кетгач негадир Адҳам ака ўзини ёлғиз ҳис қиладиган, у билан яна бир оз суҳбатлашгиси келадиган бўлиб қолди. Буни зерикканимдан бўлса керак, деб ўйларди. Бир бечорага ёрдам бераётганидан таскин топарди. Қизлари келганда ҳамма ёқ саришталигини кўриб ҳайрон бўлишганда «бир аёл озроқ пул эвазига шу ишларни қилаётганини» айтди. Қизлари муҳтож аёллар ҳам борлигини, аммо улар ичида ўғри ёки фирибгари бўлиши мумкинлигини айтишганда, «Мен уни синаб кўрдим. Бир келганида меҳмонхонадаги гилам устига ойингнинг тилла узугини ташлаб қўйдим. У бўлса уйни тозалаб бўлгач, узукни стол устига олиб қўйиб кетибди. У ҳам индамади, мен ҳам индамадим. Қайтанга бу ишимдан хижолат бўлдим», деди. Бу гапдан сўнг қизлари бир оз

хотиржам тортишди. Оталарининг кейинги пайтларда аввалгидек ўйчан қиёфада эмас, аксинча, анча очилиб юраётганидан хурсанд бўлишди. Бундан таскин топишиб, кам қатнов бўлиб қолишди. Чунки, уйлар тоза-озода, отасининг кирлари ювилган, ҳафтада икки марта бўлса ҳам иссиқ овқати тайёр эди.

* * *

Роҳила бу гал эрталабдан эмас, тушдан кейин келди. Боши озроқ оғриётганини, озроқ ҳолсизлигини айтди. Унинг «майли, бугунча ишламай қўя қолинг» дейишига қарамай ишга тушиб кетди. Уйларни тозалади, кирларни ювди, қуриганларини дазмол қилди. Уйда керакли жиҳозлар бўлса-да, у бу ишларнинг барисини қўлда қиларди. Юмушлар тугаганда қоронғу тушиб бўлганди.

Адҳам ака олиб бориб қўяман деса ҳам кўнмади. У берган пулни олиб, дарвоза томон йўналди. Қўш қаватли дарвозани кичик эшигини очишга чоғланиб қўл чўзди-ю, шу пайт шилқ этиб ерга кулади. Адҳам ака бир пас нима қиларини билмай шошиб қолди. Сўнг хаёлини йиғиб, чопиб бориб ошхонадан сув олиб келиб унинг юзига сепди. Роҳила хиёл кўзини очиб, «менга нима бўлди», деди.

-Ўзингиздан кетиб қолдингиз.

-Шифокорлар бозорга чиққанингизда қуёш таъсир қилибди. Бир-икки кун уйдан чиқмай ётинг дейишганди. Мен парво қилмадим, ўтиб кетади деб ўйлагандим. Қолаверса, сизнинг бу ишларингизни қилмасам бўлмасди. Энди бу аҳволда қаерга бораман,- деб пиқиллаб йиғлаб юборди.

Адҳам ака анча ўйланиб қолди. Чиқа-

риб юборишни ҳам, олиб қолишни ҳам, тез ёрдам чақиришни ҳам билмай боши қотди. Сўнг бир қарорга келди, шекилли, уни қўлтиғидан суяб меҳмонхонага олиб кирди. Сув ичирди, овқат берди.

-Бу оқшом шу ерда қоласиз. Эрталаб айтган жойингизга олиб бориб қўяман, - деди.

-Йўқ, бир амаллаб кетаман, иккимизга ҳам ноқулай, - деб у турмоқчи бўлди-ю, гандираклаб кетди.

Адҳам ака уни диванга ётқизиб, бошини тагига ёстиқ қўйди, устига чойшаб ташлади. Ўзим хабар олиб тураман деб чироқни ўчирмай чиқиб кетди.

У бу қилган иши тўғрими ёки нотўғрими билолмай боши қотганди. Бир томондан ёш жувонни уйига олиб қолганидан хижолат чекса, бир томондан уни бу аҳволда кўчага чиқариб юборишга виждони йўл қўймасди. Негадир ўзининг ҳам кўнгли беҳузур бўлиб, салгина боши айлана бошлади. Ором олиш учун ўрнига чўзилди.

* * *

Эрталаб кечроқ кўз очди. Ўзини ланж сизди. Керишмоқчи бўлиб ётган жойида қўлини икки ёнга чўзди-ю, сесканиб кетди...

-Сиз... сен бу ерда нима иш қиллясан?!

-Ўзингиз...- аёл ерга қаради. - Ярим тунда хабар олгани бордингиз. Мен қўрққанимдан ухлолмай ётгандим. Йўқ десам ҳам қўймай шу ерга олиб келдингиз...

Адҳам ака кўнгли бўшлиғи учун ўзини ёмон кўриб кетди. Бундан кейин нима қилишни ўйлай бошлади. Бу гапни бировга айтиб ҳам, маслаҳат олиб ҳам бўлмайди. Қандай бўлмасин бир қарорга ўзи келиши керак. Тунда нима

воқеа бўлганини сира эслолмай хайрон бўларди.

-Сиз қўрқманг, ҳаммасига ўзим айбдорман. Бу ерга келмаслигим керак эди. Муҳтожликдан келган бўлсам ҳам қолмаслигим лозим эди. Милицияга ҳам айтмайман, қизларингизга ҳам билдирмайман. Мен бир бечора аёл бўлсам, майли бошқа учрашмаймиз. Бу ишлар виждонингизга ҳавола. Битта илтимосим, агар лойиқ топсангиз, - у бир зум ерга қараб турди, - никоҳингизга олсангиз. Сиз ҳали ёшсиз, уйланишингиз керак. Мен ҳам турмуш қуришим керак. Бу балки тақдирдир. Лекин, мен сизнинг тенгингиз эмасман. Сиз менинг ожизлигимдан, бечоралигимдан фойдаландингиз.

У хонадан кўзда ёш билан чиқиб кетди.

* * *

Адҳам ака бир ҳафта-ўн кун боши қотиб юрди. Бу ишлар гўё унинг тушида бўлиб ўтгандек туюларди. Бир қарорга келолмай сиқилгани сари у ҳақда ўйлагиси келмасди. Қизларини чақириб, уйини тозалаттирди, кирларини ювдирди. Уларнинг аёл ҳақидаги саволларига «у касал бўлиб қолибди» деб қўя қолди. Кичкина қизи шаддод ва шўхроқ эди. «Дада, шунга сиқилиб юрибсизми, яхши аёл бўлса уйланиб қўя қолинг», деди кулиб. Катта қизи ингичка қилиб терилган қошларини бир чимириб қўйди-ю, индамади. У сиқилганимни қизларим сезибди деб ўйлаб, ичидан зил кетди.

* * *

Икки ўт ичида ёниб юрган кунларининг бирида дарвозаси тақиллаб қолди.

Бориб очди. Роҳила салом берди-ю, индамай ичкарига кириб ҳар галги ишига тутиниб кетди. Адҳам ака индамади. «Муҳтожликдан келибди-да, бечора аёл» деб ўйлади.

Кейинги сафар келиб ишларни битириб бўлгач, унга илтижоли боқиб, «Биласиз, дугонаминикида турар эдим. Бугун меҳмон келаркан. Бир оқшомга ўзингга жой топиб тур деди. Қолсам майлими», деб сўради. Адҳам ака негандир ўзи ҳам уни бугун қолишини хоҳлаётганди. Шу сабабли индамади.

Орадан чамаси бирон ойлар ўтиб, Адҳам ака Роҳилага уйланди.

Сиз маъқул иш бўлибди деб ўйлаётгандирсиз ҳойнаҳой. Афсус...

Турмуш қурганларидан олти ой ўтиб, бир куни Роҳила бири ўн ёшлик, бири ўн тўрт ёшлик иккита болани етаклаб келди. Адҳам аканинг «булар ким» деган саволига безрайиб, «иккиси ҳам болаларим. Эртага ойим ҳам келадилар», деди. Адҳам ака юрагини чангаллаганча ранги оқариб диванга ўтириб қолди.

* * *

Роҳила аслида фирибгарлик қилиб пул топиб яшаб юрарди. Ростдан ҳам отаси автоҳалокатда нобуд бўлганди. Эри эса уни йўлдан қайтара олмагач, шу қилиқлари учун икки боласи билан ҳайдаб юборганди. У онаси билан икки хонали уйда турарди. Ўша куни уйларига рўзғор қилиш учун бозорга кетаётиб Адҳам ака билан танишиб қолгач, хаёлига турли режалар келди. Шу сабабли ўзини бечора аёл қилиб кўрсатди. Бўлмаган воқеаларни тўқиб-бичди. Адҳам аканинг «ёрдам керак бўлса телефон қилинг» деб рақамини бериши ишини янаям осонлаштирди. Ундан қандай фойдаланиш тўғрисида режалар

тузиб юрганда тўсатдан ойиси оғриб қолди. У бундан осонгина фойдаланиб, ойисини дорисини ўзим учун деб унга олдирди. Дорихонага кетаётиб Адҳам аканинг ўзининг ёлғизлиги ҳақидаги ҳикояси унга янги режа тузиш учун туртки бўлди. Ўзини бечора аёл қилиб кўрсатиб, унинг уйини тозалашга борди. Уйни кўргач эса, фикри қатъийлашди. Бундай имкониятни қўлдан чиқаргиси келмади. Ҳар қандай қийинчиликни бўйнига олиб бўлса ҳам, узоқ вақт кетса ҳам чидашга аҳд қилди. Бир кўнгли ҳар галгидек уйдан у-бу нарса ни ўғирлаб қорасини кўрсатмай кетгиси келди. Адҳам аканинг меҳмонхонага атайлаб узук ташлаб қўйганини ҳам балодек сизди. Бир олгиси келди-ю, лекин аёли йўқ уйдаги меҳмонхонада узук бекорга ётмаслигини билди. Катта ўлжа турганда майдасига алданмади. «Ҳали кўрамиз ким кимни алдашини» деб мийиғида кулиб кўйди. Адҳам аканинг самимийлиги, соддалиги, қийналганларга ёрдам қўлини чўзиши унга қўл келаётганди. У сабр-қаноат билан режасини пиштириб, амалга ошириб бораётган эди. Ўша тун ўзини касалга солиб қолиши ҳам режанинг бир қисми эди. Касаллиги ишончли чиқиши учун деярли уч кун тайинли овқат емади. Чунки, Адҳам ака тез ёрдам чақириб қолса, у чиндан ҳам касалга ўхшаши керак эди. Шу сабабли ҳам атайлаб у кеч борган, қолаверса Адҳам аканинг овқатига одамни лоҳас қилиб, хаёлини қочирадиган дори солиб берганди. Шу сабабли ҳам Адҳам ака икки хаёл бўлиб юрганда юзини қаттиқ қилиб ўзи келганди. «Ўзим айбдорман. Ҳеч кимга айтмайман» деб айёрлик қилганди. Орада гўё ўз номусини ўйлаган киши бўлиб, никоҳ тўғрисида гап очганди. Бу воқеа-ю, бу гаплар самимий ва содда одамга

жиддий таъсир қилишини у билганди. Аслида уни исми Роҳила эмас, Райҳон эди.

* * *

Адҳам ака шифохонада даволана бошлади. Қизлари воқеани эшитиб келиб жанжал кўтаришганди, у ажрашиш ва уйни бўлиб олиш учун судга ариза беришини айтиб пўписа қилди. «Сизларнинг ҳаққингиз бўлса, менинг ҳам бу уйда ҳаққим бор. Мен отангизнинг қонуний хотиниман», деб улардан баланд келди.

Адҳам ака бу аёлнинг кимлигини ва асл мақсадини энди англаб етган эди. Бундан кейин у билан яшашнинг ҳеч имкони қолмаганини ҳис қилиб турарди. Дарҳақиқат, биргина йўли – ундан ажрашиш. Лекин, у бунга осонликча кўнмайди. Катта нарса талаб қилиши аниқ. Шу ҳақда ўйлар экан, боши тарс ёрилиб кетай дерди. Қизлари, танишлари олдида юзи шувит бўлишини ўйлаб баттар сиқиларди. Ўзининг соддалигидан, нодонлигидан куюнарди.

Шифохонадан даволаниб чиққач, Роҳиладан ниятини сўради. У бамайлихотир тикилиб, «уйнинг ярмини ёки шу миқдорда пулини берасиз», деди. Узоқ тортишувлардан, қизларнинг аралашувидан сўнг аёл инсоф қилди – битта янги «Ласетти»га кўнди. «Тинчгина кетаман, бошқа кўзингларга кўринмайман», деб ваъда берди. Ростдан ҳам машинани олгач, индамай чиқиб кетди. Чунки, у бу хонадоннинг юмушларини шу кунни кутиб, ноилож қилиб юрганди. Бир эркакнинг қош-қовоғига қараб яшаш унга тўғри келмасди. Ўз ўрнида Адҳам ака ҳам бир балодан қутулганига шукр қилаётганди.

* * *

Фуқаролардан бири туман ички ишлар бўлимига тунда уйда ўғирлик бўлгани тўғрисида ариза берди. Суриштирув ишлари бошланди. Гумондорлардан, қўшнилardan сўраб-суриштирилди. Кўча бошидаги кузатув камерасидаги ёзувлар олиб ўрганилди. Шунда ўша тунда соат учларда кўча бошида йўл четида рақами ечиб олинган «Ласетти» машинаси турганлиги аниқланди. Машина турган ердан текшириш учун унинг изларидан намуна олинди. Суриштирув пайтида қўшнилardan бири «уйида бир ҳафтадан бери Роҳила исмли қирқ ёшлар чамасидаги аёл ишлаётганини, катта невараси унинг қўлидаги телефонида 333 рақамли «Ласетти» миниб, ҳар хил ҳолатда тушган расмлари борлигини кўрганини айтганида эътибор бермаганини, бирорта танишининг машинасида қизиқиб суратга тушгандир деб ўйлаганини» гапириб берди.

Дарҳол режа тузилиб, машина ва эгасини қидириш ишлари бошланди. Икки кун ўтиб, машина ва эгаси учта шериги билан Чирчиқ бўйидаги дала ҳовлилардан бирдан топилди. Улар миниб келган машинанинг рақами 333 эди. Текширувда олинган намуна излари машинанинг ғилдирак излари билан бир хил чиқди. Улар рад этиб бўмас далилларни кўргач, ўз айбларига иқроп бўлишди.

Суд жараёнида уларнинг бошқа қилмишлари ҳам ошкор бўлди. Оқибатда жиноятчилар тегишли жазоларини олишди. Машина босқинчилик ва ўғирлик қуроли сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди. Қаранги, «Ласетти» маккора аёлга насиб қилмади.

**М. СОДИҚОВ,
масъул котиб**